

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК:**

**РЎЗИЕВ АДҲАМ**

**Итларда йирингли отитларни даволашни такомиллаштириш.  
5А 440109 – Кинология мутахасислиги**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган д и с с е р т а ц и я**

**Илмий раҳбар,  
доцент  
Ниёзов Ҳ.Б.**

**Самарқанд -2014**

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                                                               |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| КИРИШ.....                                                                                                                                                                    | 3         |
|                                                                                                                                                                               |           |
| I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....                                                                                                                                                 | 10        |
| 1.1. Итларда учрайдиган кулоқ касалликлари.....                                                                                                                               |           |
| 1.2. Итларда учрайдиган кулоқ касалликларининг этиологияси, патогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш .....                                                        |           |
| <b>I. боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                                                              | <b>2</b>  |
| <b>АСОСИЙ ҚИСМ.....</b>                                                                                                                                                       | <b>32</b> |
| 2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....                                                                                                                       | 32        |
| 2.2. Итларда эшитиш органлар анатомо-топографик тузилиши.....                                                                                                                 | 32        |
| 2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озикланиши, умумий дрессировкаси, уларда кулоқ касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси |           |
| 2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озикланиши ва умумий дрессировкаси ...                                                                                                      |           |
| 2.3.2. Итларда кулоқ касалликлари келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.....                                                                         |           |
| 2.4. Итларда кулоқ касалликлари консерватив ва оператив усулда даволаш.....                                                                                                   | 36        |
| 2.4.1. Клиник кўрсаткичлар.....                                                                                                                                               | 36        |
| 2.4.2. Қоннинг морфологик кўрсаткичлари.....                                                                                                                                  |           |
| <b>2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.....</b>                                                                                                                               |           |
| 2-боб бўйича хулоса.....                                                                                                                                                      | 39        |
| III. боб. Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар...                                                                                                                           |           |
| IV. боб бўйича хулоса .....                                                                                                                                                   | 49        |
| Хулоса.....                                                                                                                                                                   | 59        |
| Амалий тавсиялар.....                                                                                                                                                         | 80        |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....                                                                                                                                         | 61        |
| Илова.....                                                                                                                                                                    | 68        |

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора-тадбирлар тизимида муҳим кадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

Бу 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, «Она ва бола скрининги» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан биридир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда амалга ошираётган ижтимоий сиёсатимизнинг аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Кўпгина, шу жумладан, қўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори экани, яъни ўта камбағал ва ночор аҳоли гуруҳлари ва ўта бойлар гуруҳи орасидаги тафовут ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди.

Ҳурматли юртдошлар!

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини янада камайитириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожига албатта муҳим аҳамият касб этади.

Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш,

шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.

Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисба тан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади.

Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

**- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;** Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб, Президентимиз И.А. Каримов миллий хавфсизлигимизга катта эътибор қаратиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу структураларга кўмак берувчи тузилмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Бундай тузилмаларга кинология ҳам киради. Бу соҳани мукаммал ривожлантириш мақсадида, Президентимиз И.А.Каримов “Миллий кинологияни ривожлантириш тўғрисида” ги фармонни имзолаган эди. Бу фармон асосида куч салоҳиятига эга бўлган тузилмаларда Миллий кинология марказлари ташкил қилинган ва унинг таркибида питомник (хизмат итларини тайёрлаш жойи) ҳамда кинолог инспекторлар тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Кинологияни ривожлантириш мақсадида ва унга малакали кадрларни тайёрлаш учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ”Кинология” мутахассислиги бўйича магистратура очилди. .

Охирги йилларда Республикамизда кинологияни ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг қабул қилинган қароридан кейин миллий кинология марказлари, итларни саклаш питомниклари, кинология бўлимлари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда итшунослик халқ хўжалигининг турли соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги, хизмат, декоратив, спорт ва махсус итшуносликнинг ривожланишига талаблар янада ошди, чунки бу ҳайвонлар одамларнинг энг яқин ёрдамчиларига айланиб қолган.

Итлардан фойдаланишнинг барча шакллари ва уларнинг одамнинг маънавий дунёсини бойитишдаги ролини ҳисоблаб ўтиш қийин. Итлар халқ хўжалиги объектларини ва шу жумладан чегарани қўриқлашда иштирок этадилар. Хизмат итлари эса Ички ишлар ходимларига жуда катта ёрдам берадилар.

Чўл ва тоғ чорвачилигида қўлланиладиган чўпон итлари қўй отарларини йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилади, ҳайвонларни боқишда ва жойдан-жойга қўчирганда ёрдам беради ва шу иши билан чўпонларга сезиларли даражада қўмаклашади. Итлар геолог, ғаввос, алоқачи, ногирон, санитар ва қутқарувчиларнинг буйруқларини бажаради. Итлар халқ хўжалигида ишлатилиши билан биргаликда цирк, декоратив ва ҳаваскорлик ҳамда илмий изланишлар каби бошқа йуналишларда ҳам қўлланилади.

Кўпчилик илмий ихтиролар итлар билан бевосита боғлиқ. Масалан, И.И.Павловнинг олий нерв тизими фаолияти соҳасидаги экспериментал текширишлар натижаларини одам ва ҳайвонлар рухий ҳамда физиологик фаолиятини тушунишнинг асосига қўйилган. Кўпчилик дори воситалари таъсири биринчи навбатда итларда текширилади.

Итларда бошқа ҳайвонлардек касалликлар ривожланиши мумкин. Касаллик - бу ҳар хил таъсуротлар таъсирида организмнинг ҳаётий фаолияти бузилишидир.

Касалликлар сабабига кўра ички юқумсиз, юқумли ва паразитар бўлиши мумкин.

Г.С. Кузнецов (1980), К.И. Шакалов (1981)ларнинг маълумотларига кўра ички юқумсиз касалликлар 80-94 % ни ташкил қилади, улардан 5-7 % бош областидаги касалликларга тўғри келади.

Бош касалликлари орасида итларда қулоқ касалликлари кўп миқдорни ташкил қилади.

Итлар қадимдан одамлар олдида бўлиб, садоқатли дўст бўлиб келган, ҳозирги пайтда, айниқса давлатимиз мустақил бўлганидан кейин итларга бўлган эҳтиёж яна ҳам ортади. Чунки мустақам давлатнинг мустақам чегараси бўлиши керак, уни қўриқлашда чегарачиларга итлар катта қўмак берадилар. Лекин итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи – қулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади,

яъни узоқ вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Қулоқ касалликларидан отитлар кўп ҳолларда консерватив усул билан даволанади, лекин йирингли отитларда экссудатнинг чиқиши қийинлашганлиги учун кўп ҳолларда жараён ички қулоққа ўтиб, ҳайвонни анча қийин аҳволга солиб қўяди. Бундай ҳолларда экссудатнинг чиқиб кетишини таъминлаш учун хирургик усул қўлланилади.

Қулоқнинг яллиғланиши барча ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларидан катта иқтисодий зарар етказди . Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб , аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирор бир асорат қолади . Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда.( Day, M. , 1998; David, II. Lloyd.,1999; Koutinas, A.F.,1998; Marolleau, J.,1995; McKee, P.H.1996; Snijdewint, F.Y.M.,1995; Somer, Г.,1995; C.H. Griffin,1995; Tischenko, L.,1996)

Магистрлик диссертациясини бажаришдан мақсад, қулоқ касалликларини консерватив ва хирургик усуллар ёрдамида даволашни ишлаб чиқиш ва олинган натижаларни амалиётга ва ўқув жараёнида қўллашдир.

**- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши;**

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармокология кафедрасида , шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ўтказилди. Материал сифатида клиникага 2012-2014 йиллар давомида олиб келинган йирингли отит билан касалланган итлар бўлиб ҳисобланган, жами 10 бош итдан фойдаланилди. Отит билан касалланган итлар даволаш схемасига қараб икки гуруҳга бўлинади: тажриба ва назорат гуруҳларига, ҳар бирида 5 бошдан.

Биринчи тажриба гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин қулоқ атрофига, қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характерини аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи қулоқ 3 % ли водород пероксида билан ювилиб, дока вишне夫斯基-левамикол (50:50) линиментига ботирилиб ,кунига 1марта тампон қулоқ ичига қўйилди.

Иккинчи назорат гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин қулоқ атрофига канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи қулоқ 3 % ли водород пероксида билан ювилиб, дока

синтомицин линиментига ботирилиб ,кунига 1 марта тампон кулоқ ичига қўйилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида ҳайвонларнинг клиник белгилари, патологик жараённинг морфологик кўрсаткичлари ва улар қонининг айрим морфологик кўрсаткичлари текширилади.

Тажрибадаги ҳайвонлардан тажрибагача ва тажрибанинг 3,7,10 -15 кунлари қон олиниб, улар қонидаги айрим морфологик кўрсаткичлар текшириб борилади.

Даволаш ва кузатишлар 15 кун давом этиб, бу вақт давомида ҳайвонлар кунига бир марта клиник текширишлардан ўтказилди ва тажрибаларнинг бошида, кузатишларнинг 3,7,10 -15 кунларида улардан қон олиниб морфологик кўрсаткичлари бўйича текшириб борилади.

**- тадқиқот мақсади ва вазифалари;** Хизмат итларнинг эшитиш органи – кулоқ касалликларининг этиологиясини, патогенезини, иқтисодий зарарини, диагностикасини ўрганиш, даволаш ва олдини олиш тадбирларини замонавий усулларини ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қўйидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш вазифа қилиб олинди

1. Хизмат итлар эшитиш органи – кулоқ касалликларини тарқалиши ва келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган экологик омилларни ўрганиш.

2. Хизмат итларда эшитиш органи – кулоқ касалликлари даволашда анъанавий усулларга қўшимча замонавий дориларни қўллашнинг солиштирма самарадорлигини ўрганиш.

3. Хизмат итларда эшитиш органи – кулоқ касалликларини эртачи аниқлаш, уларни регенератив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш.

**- тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;**

**- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;** В.Х. Салямова (2008) ни таъкидлашича итларда кулоқ касалликлари барча касалликларнинг 20 % ини ташкил қилади. Итларда асосан ташқи ва ўрта кулоқ отитлари учрайди. Бу касалликда қўйидаги симптомлар кузатилади: итнинг безовта бўлиши, бошини силкитиши, оғриган кулоқ томонга бошини энгаштириши, қулоғини қичиши, пайпаслаганда безовталаниши, маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши аниқланади.

Кулоқдан катарал ёки йирингли суюқлик оқиб туради. Ҳайвоннинг умумий ҳолати сусайган, иштаҳаси пасайган, ҳарорати кўтарилган бўлади.

Муаллиф отитларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни келтиради: бактериялар (стафилококк, стрептококк, протей) улардан, айниқса тилла стафилококк ва зумбуруқлар асосий бўлиб ҳисобланади.

Кулоқ канаси – отодектоз касаллиқни келтириб чиқаради. У микроскопик майда бўлиб, кулоқ йўлларида терисида паразитлик қилади ва кулоқ йўлларида қаттиқ яллиғланишни чақиради. Отодектоз бўлган итда кучли қичиш пайдо бўлади. Кулоқ қобиқчалар билан ёпилади, яралар ҳосил бўлади. Отодектоз касал ит ва мушуклардан ўтади.

Отит билан касалланиш итнинг зотида ҳам боғлиқ, кўпгина ҳолларда Шарқий-Европа овчаркаси, кокер, пуделларда кўпроқ учрайди. Айниқса бу касаллик шалпанкулоқ итларда кўпроқ учрайди. Чунки кулоқнинг вентилизацияси бўлмаганлиги учун патоген микрофлора тез ривожланади.

Отит касаллиги насл суриши ҳам мумкин. Агар итнинг яқин уруғида отит учраган бўлса, бу муаммо унда ҳам бўлиши мумкин. Кўпкина ит болаларига тилла стафилококк онасидан юқади. Агар организм заифлашса уйқуда ётган инфекция ривожланиши мумкин. Даволаш фақат мутахассис ветеринария врач томонидан амалга оширилиши керак. Врач тўғри ташхис қўйгандан кейин даволаш яхши натижа беради. Бўлмаса касаллик сурункали даврга ўтиб кўп йиллар давом этиши мумкин. Ташхис қўйишда клиник, микробиологик ва паразитологик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Даволаш нотўғри олиб борилган бўлса, айниқса йирингли отитларда кулоқнинг пардаси тешилиб, йиринг ички кулоққа ва ҳатто мия қобиқларига ўтиб менингитнинг ривожланишига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Бу эса кўпкина ҳолларда ит учун ўлим билан тугаши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга, чунки вақтида кулоқни назорат қилиш, тозалаш отитнинг олдини олиш учун ёрдам беради.

В.Р. Тарасов (1978) нинг таъкидлашича, ташқи кулоқни яллиғланиши кўпроқ шалпанкулоқ итларда учрайди. Келиб чиқиш сабабларига кулоқ безлари суюқлигини парчаланиши, ўлат, кулоқ супрасининг гематомаси, эшитиш каналига бегона жисмларни, каналарни кириб қолиши ва совуқ сувнинг тушиши киради.

Итларда ташқи кулоқ яллиғланишлари муаммоси ҳозирги кунда юқумсиз касалликлар ўртасида биринчи ўринни эгаллайди (Егорова, В.Н., 2000; Ермаков, А.М., 1998; Ермаков, А.М., 1999; Казаков, Д.Н., 1999; Калинин, П.А., 1997; Калинин, Н.М. и др. 1998; Карпенко, Л.Ю., 1999; Кондрахин, И.П. и др. 2000;

Корячкин, В.А. 2001; Красиков, А.Г и др. 1998; Курицина, Н.А. 1998) Кейинги йилларда бутун дунё мамлакатларида итлар ўртасида ташқи отитларкўпайиб бораётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Россияда кейинги 5 йил ичида ушбу патология 48% га кўпайди ва яна кўпаймоқда. (Лукьяновский, В.А. 1998; Макарадзе, Л.А. , 1999; Медведев, К.С. , 1999; Нигман, Х.Г., 1998; Ракова, Т.Н., 1998 ;14. Сидоров, И.В. и др. 2000; Старченков, С.В., 1999; Суховольский, О.К., 1998; Чеботкевич, В.Н.и др. , 1998; Шабунин, С.В. , 1999)

Кулоқнинг яллиғланиши барча зотдаги ва ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказди . Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб , аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирир бир асорат қолади . Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда.( Day, M. , 1998; David, II. Lloyd.,1999; Koutinas, A.F.,1998; Marolleau, J.,1995; McKee, P.H.1996; Snijdewint, F.Y.M.,1995; Somer, Г.,1995; C.H. Griffin,1995; Tischenko, L.,1996)

В.Х. Салямова (2008)ни таъкидлашича итларда кулоқ касалликлари барча касалликларнинг 20 % ини ташкил қилади. Итларда асосан ташқи ва ўрта кулоқ отитлари учрайди. Бу касалликда қуйидаги симптомлар кузатилади: итнинг безовта бўлиши, бошини силкитиши, оғриган кулоқ томонга бошини энгаштириши, кулоғини қичиши, пайпаслаганда безовталаниши, маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши аниқланади. Кулоқдан катарал ёки йирингли суюқлик оқиб туради. Ҳайвоннинг умумий ҳолати сусайган, иштаҳаси пасайган, ҳарорати кўтарилган бўлади.

Муаллиф отитларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни келтиради: бактериялар (стафилококк,стрептококк, протей) улардан, айниқса тилла стафилококк ва зумбуруқлар асосий бўлиб ҳисобланади.

Кулоқ канаси – отодектоз касалликини келтириб чиқаради. У микроскопик майда бўлиб, кулоқ йўллариининг терисида паразитлик қилади ва кулоқ йўлларида каттиқ яллиғланишни чақиради. Отодектоз бўлган итда кучли қичиш пайдо бўлади. Кулоқ қобиқчалар билан ёпилади, яралар ҳосил бўлади. Отодектоз касал ит ва мушуклардан ўтади.

**- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;** Ҳамма босқичдаги тажрибамизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони, периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори текширилди.

Олинган рақамли маълумотлар Н.В.Садовский (1975) усули билан вариацион статистик ишланди. Бунда ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик хато ( $\pm m$ ), ўзгариш фоизи (%) ва фарқларнинг ишончлиқ даражаси (Р) «Электроника БЗ – 34» микро- ЭХМ ёрдамида ҳисобланди.

- **тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;** Отит билан касалланган итларни текшириш натижалари уларга эртачи босқичларда ташхис қўйиб аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Текширишларнинг асосий натижалари 2013-2014 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- **тадқиқотнинг илмий янгилиги;** - Вилоятимиздаги мавжуд кинология марказларида ва аҳоли қармоғида сақланаётган иларда отитларни келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга бўлган эколого-морфологик ва бошқа омиллар;

- итларда турли хилдаги отитларнинг ўзига хос кечиш хусусиятлари;

- итларда отит касалликларининг тарқалиши, зотга ва жинсга боғлиқ кечиш хусусиятлари, уларнинг эртачи диагностикаси ва клиникаси;

- отит билан касалланган итларни даволашнинг турли усулларини қиёсий баҳолаш ва отитларнинг турига ва босқичларига боғлиқ ҳолда даволаш усулларининг қиёсий самарадорлиги аниқлаш ўрганилди.

- **диссертация таркибининг қисқача тавсифи;** Диссертация иши .....бетларда компьютер ёзувида берилган ва унинг таркибига 3 та бобдан иборат. Унга кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар объекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, ..... та жадвал ва .....та адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

## **I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.**

### **1.1. Итларда учрайдиган қулоқ касалликлари.**

Қулоқнинг яллиғланиши барча ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказади . Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб , аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирир бир асорат қолади . Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда.( Day, M. , 1998; David, II. Lloyd.,1999;

Koutinas, A.F.,1998; Marolleau, J.,1995; McKee, P.H.1996; Snijdewint, F.Y.M.,1995; Somer, Г.,1995; C.H. Griffin,1995; Tischenko, L.,1996)

А.Т. Бурбелло, А.В. Шабров, П.П. Денисенко (2006) лар кулоқ касалликларини даволашда ташқи ва ўрта кулоқ отитларида антибиотик ва антисептик препаратлардан қуйидагиларни қўллашни тавсия қилади:

Отипакс – апаралаш препарат, кулоқ томчиси, маҳаллий оғриқсизлантирувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши таъсир қилади, кунига 2-3 маҳал 4 томчидан томизилади.

Анауран – кулоқ томчиси, унинг таркибига кирган антибиотиклар антимикроб таъсир қилади, полимиксин В замбурукқа қарши таъсир қилса, лидокаин маҳаллий оғриқсизлантирувчи таъсир қилиб оғриқни камайтиради. Ўткир ва сурункали ташқи ва ўрта отитларда қўлланилади.

Гаразон – кўз-кулоқ томчиси, таркиби бетаметазон натрий фосфат ва гентамицин сульфатдан иборат, улар яллиғланишга, аллергияга, экссудацияга, кичишига қарши ва бактерицид таъсир қилади. Ўткир ва сурункали отитларни даволашда қўлланилади.

Дексона – кўз-кулоқ томчиси, таркибига дексаметазон ва неомицин сульфат киради. Яллиғланишга қарши ва антибактериал таъсир қилади.

Сангвиритрин – антимикроб таъсир этиб, бактарияларнинг ўсишини тўхтатади, ташқи ва ўрта кулоқ касалликларида қўлланилади.

Фибролан – эритма ва суртма шаклида тайёрланади. Некротик тўқималарга таъсир қилиб, уларни тезроқ чиқиб кетишига ёрдам беради, ўрта отитларда қўллаш тавсия қилинади.

Х.Э. Шайхова, А.М. Хакимов, В.А. Хорошаев (1999) ларнинг текширишларига кўра, ўткир ўрта кулоқ отитини даволашда лимфотроп усул қўлланилган. Текширишлар ўткир ўрта кулоқ отити моделлаштирилган қуёнларда олиб борилган. Даволаш терапиясига қараб қуёнлар 3 гуруҳга бўлинган, тажриба 16 миншила зотига мансуб, оғирлиги 2-3 кг бўлган қуёнларда олиб борилди. Экспериментлар ўткир йирингли ўрта кулоқ отити колипсол наркози ва 2 % ли дикаин билан ўтказилган маҳаллий оғриқсизлантириш билан олиб борилди. Парацетез игна ёрдамида тампонал бўшлиқ топилди ва у ерга 0,1 мл тилла стафилококк (штамм 209) 1 мл 10 млрд микроб таначалар бўлган суюқлик юборилди. 3-4 кундан кейин ўткир ўрта отит ривожлангандан кейин лимфотроп терапия ўтказилди.

Биринчи гуруҳ қуёнлари лимфотроп даволанди. Иккинчи гуруҳ ҳайвонларига маҳаллий даволаш олиб борилди, яъни ҳар куни эшитиш йўлини тозалаб, тампонлар билан қуритиб, гипертоник эритмада намланган трунда

қўйилар эди. Учинчи гуруҳ ҳайвонларига аралаш даволаш олиб борилди, яъни маҳаллий терапия билан антибиотиклар лимфотроп юборилди. Лимфотроп усул билан дори воситаларини юбориш қулоқ орқа лимфа тугунларига яқин жойга тери ости йўли билан антибиотиклар юборилди. Микроорганизмларни антибиотикларга сезувчанлиги инобатга олинган. Улардан клиник амалиётда ўткир ўрта отитларни даволашда қўлланадиган ампициллин, оксацилин ва рецефин ишлатилди. Антибиотикларни тезроқ сўрилишини таъминлаш учун лимфостимуляторлар юборилди. Тажриба давомида бунинг учун лазикс ва новокаин қўлланилди, 3-4 дақиқадан кейин шу игна орқали антибиотик юборилди.

Ҳар куни тажрибадаги ҳайвонлар отоскопия қилиниб турилди ва шу билан бир вақтда регионар лимфа тугунлар ҳолати кузатиб борилди. Даволаш 5-6 кун олиб борилди. Шундан сўнг қуёнлар ўлдирилиб, троакар ёрдамида булла бўшлиғи очилди ва шу заҳотиёқ қулоқ олди регионар лимфа тугунлар кесиб олиниб гистологик текширишга тайёрланди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўткир отитда бир суткадан кейин лимфа тугунлар структурасида ўзгаришлар кузатилди. Уларнинг ўлчами катталашган четдаги синуслар кенгайган. Уларда макрофаглар, лимфоцитлар, эозинофиллар гомоген массаси ва тўқима детрит элементлари аниқланган.

Лимфотроп терапия амалга оширилгандан кейин лимфа тугунларнинг структурасида чуқур ўзгаришлар, бу усул билан даволанмаган ҳайвонларга нисбатан кузатилмаган. Синуслар кенгайган уларда макрофаг, лимфа, оз-моз лимфоцитлар борлиги аниқланди.

Учинчи суткага бориб лимфа тугунларининг структураси назорат гуруҳига нисбатан ўзгарган. Четдаги синуслар кичрайган, уларда суюқлик макрофаг, лимфоцитлар камайган детрит, фибрин, ўлган ҳужайралар кузатилмайди. Қобик қисмида лимфоцитлар компакт жойлашган. Даволашнинг еттинчи кунига бориб лимфа тугунлар структураси нормаллашган ва қон айланишининг бузилиши кузатилмайди.

Улар шундай ҳулосага келадики, ўрта қулоқ отитида лимфотроп терапия таъсирида лимфа тугунларни дренаж функцияси кучайган. Бунинг натижасида ўрта қулоқда яллиғланиш камайган, яъни қон томирлар кенгаймаган, гиперемия ва шиллиқ парда шиши пасайган, йиринг оқиши кузатилмайди.

В.Р. Тарасов (1978) нинг таъкидлашича, ташқи қулоқни яллиғланиши кўпроқ шалпанқулоқ итларда учрайди. Келиб чиқиш сабабларига қулоқ безлари суюқлигини парчаланиши, ўлат, қулоқ супрасининг гематомаси, эшитиш

каналига бегона жисмларни, каналарни кириб қолиши ва совуқ сувнинг тушиши киради.

Итларда ташқи қулоқ яллиғланишлари муаммоси ҳозирги кунда юқумсиз касалликлар ўртасида биринчи ўринни эгаллайди (Егорова, В.Н., 2000; Ермаков, А.М., 1998; Ермаков, А.М., 1999; Казаков, Д.Н., 1999; Калинин, П.А., 1997; Калинин, Н.М. и др. 1998; Карпенко, Л.Ю., 1999; Кондрахин, И.П. и др. 2000; Корячкин, В.А. 2001; Красиков, А.Г. и др. 1998; Курицина, Н.А. 1998) Кейинги йилларда бутун дунё мамлакатларида итлар ўртасида ташқи отитларкўпайиб бораётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Россияда кейинги 5 йил ичида ушбу патология 48% га кўпайди ва яна кўпаймоқда. (Лукьяновский, В.А. 1998; Макарадзе, Л.А., 1999; Медведев, К.С., 1999; Нигман, Х.Г., 1998; Ракова, Т.Н., 1998; 14. Сидоров, И.В. и др. 2000; Старченков, С.В., 1999; Суховольский, О.К., 1998; Чеботкевич, В.Н. и др., 1998; Шабунин, С.В., 1999)

Қулоқнинг яллиғланиши барча зотдаги ва ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказди. Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб, аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирир бир асорат қолади. Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда. (Day, M., 1998; David, H. Lloyd., 1999; Koutinas, A.F., 1998; Marolleau, J., 1995; McKee, P.H. 1996; Snijdwint, F.Y.M., 1995; Somer, Г., 1995; C.H. Griffin, 1995; Tischenko, L., 1996)

Клиник белгиларига қуйидагилар киради: итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши. Пайпаслаганда оғрик сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, хидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган.

Даволашни қулоқни тозалашдан бошлаш керак, бунда 2 % ли натрий бикарбонат ёки водород пероксидидан фойдаланиш мумкин. Қулоқнинг ичкарисини ювишда юритмалардан (борат кислотаси, калий перманганат, риванол) дан камроқ фойдаланиш керак. Бунинг учун 10 % ли йодоформ эфири яхши натижа беради. Уни қўллаганда эфир парлангандан кейин йодоформ юзасида қолиб ўз таъсирини ўтказди. Бундан ташқари оқ стрептоцид ва пенициллин кукунини қўллаш яхши натижа беради. Уларни пуркаш йўли билан қулоқни ичига юбориш керак. Шу дори воситаларини, айниқса пенициллинни қулоқ атрофига блокада учун ишлатиш мумкин.

Ўрта кулоқни яллиғланиши кўпинча йирингли кечади, келиб чиқиш сабаби инфекциянинг ривожланиши ёки атрофдаги тўқималардан тарқалишидан бўлади.

Ўрта кулоқ отитида қуйидаги клиник белгилар намоён бўлади, тана ҳароратининг кўтарилиши, итнинг умумий ҳолати сусайган, иштаҳаси йўқ. Бошини оғриган томонга буриб туради. Пальпация қилганда каттиқ оғриқ сезилади. Йирингнинг таъсирида кулоқнинг ички пардаси тешилади ва ичкарига тарқалади. Бундай ҳолатда касаллик оғирлашади. Йирингли отитларни даволаш комплекс равишда олиб борилади, биринчидан йирингли экссудатни чиқариш керак, бунинг учун водород пероксиди эритмаси билан кулоқ йўллари ювилади ва тампонлар ёрдамида яхшилаб қурилади. Кенг доирада таъсир этувчи антибиотик ва сульфаниламид препаратларни қўллаш керак. Тери остига ва мускул орасига пенициллинни юбориш яхши натижа беради.

И.М. Донник (2006) ни фикрича, ташқи кулоқ отити ветеринария амалиётида кенг тарқалган касаллик бўлиб ҳисобланади. Келиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради: бактериялар-ичак таёқчаси, стрептококклар, стафилококклар, протейлар, псевдомонас, замбуруғлар, кандида, малассезия, аспаргилиус, паразитлар, отадектоз, демодектоз, саркоптоз; бошқа сабаблар: бегона жисмлар, нотўғри даволаш, ўрта кулоқнинг яллиғланиши, юқори даражали сезувчанлик.

Юқорида келтирилган инфекциялар ташқи кулоқ муҳитига мос бўлиши мумкин, агар организмда бирор бир заифлик пайдо бўлса, улар активлигини оширади ва яллиғланиш жараёнини кучайтиради.

Замбуруқлар аниқланганда мумкин қадар эрта даволашни бошлаш керак.

Барча типдаги аллергиялар – кўпкина ҳолларда ташқи кулоқнинг яллиғланишини кучайтирувчи фактор бўлиб ҳисобланади. Рационнинг бузилиши озуқавий аллергияга олиб келади ва унинг асосида ташқи отит ривожланади. Пархез қилинса аллергия ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Озуқавий аллергия кўпроқ немис овчаркалари ва бордокс доғларида учрайди ва у ташқи отитнинг ривожланиши билан кечади.

Ташқи отитни бегона жисмлар қилтиқ, қум, ҳашаротлар чақириши ҳам мумкин.

Мойиллик факторларига қуйидагилар киради: ташқи кулоқнинг анатомик тузилиши, олтингугуртни тўпланиши, артрозия, стеноз, ўсмалар ва эндокрин касалликлар.

Ташқи кулоқни анатомик тузилишининг нуқсонларига кулоқ супрасини осилиб туриши, кулоқни ичида жуннинг ўсиши, етарлича вентиляция бўлмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Қулоқ йўлларидаги ёпилиб қолиши ва

атрезия, бу ҳолат шарпей ва ротвейлерларга хос, олтингуругтни тўпланишига сабаб бўлади.

Ўсмалар полип шаклида кўпгина ҳолларда кокер-спаниель зотлиларда учрайди. Улар ўсгандан кейин қулоқдан ажралиб чиқадиган олтингуругтни чиқиши қийинлашади, бу эса охир-оқибат ташқи отитни ривожланишига олиб келади.

Эндокрин патология гипотиреоз ва гипердренокартицизм таъсирида олтингуругт ишлаб чиқадиган безларнинг суюқлиги сонини ва сифатини ўзгартиради. Бу эса қулоқ каналидаги муҳитини ўзгартириб бактерия ва замбуруқларнинг ривожланишига яхши шароит яратади.

Даволашни қулоқ каналини тозалашдан бошлаб керак, бу билан унда тўпланган йиринг ёки қулоқ олтингуругтинини олиб ташлаш имконияти туғилади. Бунинг учун стерил пахта пинцетга ёки ариқчали зондга ўралади, пахтанинг учи 0,5 см чиқиб туриши зарур. Аста-секинлик билан қулоқнинг ичи тозаланади. Шундан кейин антисептик эритмалар 1,5 % ли водород пероксиди билан ювилади ёки 2 % ли хлоргексидин билан артилади. Ташқи дори воситалари томчи, эмульсия, суртма ва кукун шаклида бўлиши мумкин. Томчилар Софрадекс, Ауриосан, Дексо, Дикло-Ғ тана ҳароратигача иситилиб ҳар бир қулоққа 3-4 томчидан юборилади. Қулоқ супрасининг ички томонидаги кизаришларга синтомицин эмульсияси, стрептоцид суртмаси, дермазол гелини суртиш тавсия қилинади.

Антибиотик, сульфаниламид препаратларидан тайёрланган кукунлар қулоқ канали тозалангандан кейин пуркаш йўли билан юборилади. Пуркаш вақтида улар бир хил, текис ётишини таъминлаш керак.

А.В. Маркова (2007) отитларни даволашда халқ табобати усулларида фойдаланишни таклиф қилади. Иситувчи компресс қўлланилади, бунинг учун 50 гр спиртни 50 гр дистилланган сувда эритилиб ёки ароқдан ҳам фойдаланиш мумкин, салфеткани намлаб қулоқ атрофига қўйилади, қулоқ тешиги очик қолиши керак. Унинг устидан нам ўтказмайдиган қоғоз қўйиб қулоқ атрофига боғлам қўйилади. Бу муолажа бир кунда 1 марта қилинади.

Бундан ташқари қулоқнинг ичига лимон шарбатидан 2-5 томчи томизилади, бир кунда 2-3 марта. Йирингли отитларда қулоқ ичига 20 % ли прополис билан тампон қўйилади, бир кунда 1 марта. Саримсоқ пиёз майдаланиб ўсимлик ёғига қўшилади ва 10 кун иссиқ жойда сақланади, томизишдан олдин оз-моз глицерин қўшилади ва қулоқ томчиси сифатида ишлатилади. Зуптурум шарбатини олиб оғриган қулоққа томизиб туриш керак. Йирингли отитларни даволашда ёнғоқ барги эзиб чиқариб, шарбатини қулоққа 3-5 томчи томизиб

туриш керак. Бир чой қошиқ пуданани шарбатига бир чой қошиқ асал қўшилади ва ярим стакан сувга эритиб, илиқ ҳолда қулоққа томчи сифатида қўлланилади. Ўсимлик ёғининг ичига  $\frac{2}{3}$  қисмигача майдаланган саримсоқ пиёзи солинади, 10 кун давомида сақлаб, томчи сифатида қўллаш тавсия қилинади.

М.Д. Машковский (1988) ни таъкидлашича, отитларни даволашда антибиотиклардан фойдаланиш яхши натижа беради, бундай антибиотикларга пенициллин гуруҳига кирадиган бензилпенициллин натрий тузи, қулоқ томчисини тайёрлашда 1 мл 10000-100000 ТБ да ишлатилиши мумкин, йирингли отитларда препарат мускуллар орасига чуқур ёки қулоқ атрофидаги тўқималарга юборилиши мумкин.

Карбоцилина динарий тузи пенициллиннинг яримсинтетик шакли граммусбат ва грамманфий микрофлорага кенг таъсир қилади. Қулоқ касалликларига мускуллар орасига юборилади, йирингли отитларда бир суткада 4-8 г юборилиши мумкин.

Цефалоспорин гуруҳига кирадиган дори воситалари отитларни даволашда кенг қўлланилиши мумкин. Цефалексин доираси кенг таъсир этувчи антибиотик бўлиб ҳисобланади ва йирингли отитларда яхши натижа беради.

Тобрамицин аминогликозид гуруҳига кирувчи антибиотик бўлиб, кенг антибактериал хусусиятларга эга, граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан актив. Йирингли отитларни даволашда мускуллар орасига ёки венага юборилади.

Эритромицин антибактериал модда бўлиб, макролид гуруҳига киради, граммусбат ва грамманфий коккларга яхши таъсир қилади. Йирингли отитларда оғиз орқали бир суткада 2 г берилиши мумкин.

Олеандомицин фосфат макролид антибиотиклар гуруҳига киради. Организмга юборилгандан кейин граммусбат, грамманфий қўзғатувчиларга яхши таъсир қилади. Олеандомицин йирингли отитларни даволашда қўлланилади.

Олетрин – бу аралаш препарат бўлиб, ўзини таркиби олеандомицин фосфат ва тетрациклиндан тузилган. Кучли антибактериал хусусиятларга эга, ўрта қулоқнинг яллиғланишини даволашда яхши натижа беради.

Линкомицин гидрохлорид антибактериал хусусиятга эга бўлиб, айниқса стафилококк, стрептококк, пневмококк, айрим анаэробларга, шу жумладан газли гангрена ва қоқшов қўзғатувчиларига яхши таъсир қилади, отитларни даволашда кенг қўлланилади, мускул орасига ёки венага юборилиши мумкин.

Полимиксина М сульфат доираси кенг таъсир этувчи антибиотиклар гуруҳига киради. Қулоқнинг яллиғланишлари ва йирингли отитларда қўллаш яхши натижа беради.

Грамицидин бактериостатик ва бактериоцид хусусиятларга эга бўлган антибиотик бўлиб, 2 % ли эритма шаклида қўлланилади. Қулоқнинг яллиғланишида ювиш учун ишлатилиши мумкин.

Сульфапиридазин сульфаниламид препаратлари гуруҳига киради, узоқ вақт таъсир қилиши мумкин. Йирингли отитларни даволашда яхши натижа беради.

Сульфадиметоксин узоқ вақт таъсир этувчи сульфаниламид препаратлари гуруҳига киради. Отитларни даволашда қўлланилиши мумкин.

О. Гусарова, Л. Феактистов, Е. Шурхно (2005) ларнинг таъкидлашича отитларни даволашда яхши таъсир этувчи замонавий дори воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шундай дори воситаларига қуйидагилар киради:

Абектал – фторхинолонлар гуруҳига кирувчи антибиотик. Отитларни даволашда яхши натижа беради.

Азитрокс (сумамед) – кенг таъсир этувчи антибактериал препарат, отитларни даволашда қўлланилади.

Амоксиклав – пенициллин гуруҳига кирувчи антибиотик, ўткир ва сурункали отитларни даволашда қўлланилади.

Диоксициклин – тетрациклин гуруҳига кирадиган яримсинтетик антибиотик, кўпгина қўзғатувчиларга таъсир қилади, организмга тез сўрилиб ва секинлик билан чиқарилади. Отитларни даволашда яхши натижа беради.

Борат кислотаси – антибактериал хусусиятларга эга бўлган, бактерияларнинг ривожланишини ва ўсишини тўхтатиб қўяди. Ўткир ва сурункали отитларда қўлланилади, бунинг учун 0,5, 1,2,3 % ли борат кислотасининг спиртли эритмаси қулоқ томчиси сифатида ишлатилади. Ўрта қулоқнинг операциясидан кейин борат кислотасининг кукуни қулоқ ичига пуркалади.

Софрадекс – қулоқ томчиси, аралаш препарат, таркибидаги антибиотик бактерицид таъсир қилади, бундан ташқари яллиғланишга қарши бўлиб, кичишини камайтирадиган таъсиротга эга. Ўткир ва сурункали отитларда суткасига 3-4 марта 2-3 томчидан томизилади ёки эритма билан намланган тампон қулоқ ичига қўйилади.

М.Ю. Лопатина, И.М. Донник (2006) ларни текширишларига кўра, сурункали ўрта қулоқнинг йирингли отитида касаллик чакирувчи қўзғатувчисига қараб қоннинг иммунологик кўрсаткичлари ўзгариши аниқланган. Оқ стафилококкда

нейтрофилларнинг фагоцитар активлиги 17 % пасаяди, Т-лимфоцитларнинг Т-супрессор субпопуляциясини 29 % га кўпайиши, норматив кўрсаткичларга қараганда Т (Е-ROK)-лимфоцитлар 29,6 % (0,5 минг/мкл) пасайиши, Т/В индекс 1,3 (ТВ=1,5-2) ташкил қилиши аниқланди, бу эса иммунитетнинг Т-лимфоцитларнинг таркиби қисми супрессияга учрашини кўрсатади.

Кўк йиринг таёқчасида нейтрофилларнинг фагоцитар активлиги 3 мартагача (12 %) кескин пасайиши, норматив кўрсаткичларга қараганда Т (Е-ROK)-лимфоцитларнинг 65 % (0,26 минг/мкл) га, В (М-ROK)-лимфоцитларнинг 80 % (0,11 минг/мкл) га пасайиши, Т/В индекс 2,36 (Т/В=1,6) ташкил қилиши аниқланди, бу эса иммунитетнинг В-лимфоцитларнинг таркибий қисми кескин супрессияга учрашини кўрсатади.

Тилла стафилококкларда Т (Е-ROK)-лимфоцитларни 80 % (0,14 минг/мкл), В (М-ROK)-лимфоцитларни 3 мартага (0,1 минг/мкл) пасайиши, Т/В индекс 1.4 ни ташкил қилади, бу эса иммунитетнинг Т лимфоцитларни таркибий қисмини заифлашганлигини кўрсатади.

Замбурукли отитларда нейтрофилларнинг фагоцитар активлигини 35 %, Т (Е-ROK)-лимфоцитларни норматив кўрсаткичлардан 25 % пасайиши, Т/В индекс 1,08 ни ташкил қилиши аниқланди, бу эса иммунитетни Т-лимфоцитларнинг таркибий қисмини заифлашганлигини кўрсатади. Сурункали отитнинг кучайиш даврида иммунодепрессив ҳолат аниқланиб, лейкоцитларни нейтрофил қаторини чапга силжиши кузатилади. Итларнинг сурункали отитида ҳар даражадаги иммунодепрессив ҳолат кузатилади. Айниқса тилла стафилококк, кўк йиринг таёқча қўзғатувчи сифатида аниқланса, иммунологик статус юқори даражадаги бузилиши билан характерланади.

Шунинг учун отитларда даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида қоннинг иммунологик кўрсаткичларини аниқлаш ва шунга асосланиб даволаш схемасига иммуномодулятор таъсирига эга бўлган препаратларни қўшиш тавсия қилинади. Иммун системадаги бузилишларни бартараф қилиш учун иммунокорректор препаратлардан қуйидагиларни қўллаш тавсия қилинади: иммунитетнинг Т-лимфоцитлар таркибий қисмини нормаллаштирувчилар Т-активин, тимактид, тималин, тимоптин, продигозан, лейкинферрон, ропколейкин.

Иммунитетнинг В-лимфоцитлар таркибий қисмини нормаллаш-тирувчилар – миелопид, В-активин, мастим.

Нейтрофилларнинг фагоцитар активлигини нормаллаштирувчилар – фоспренил, максидин, достим.

Иммунитетнинг Т ва В лимфоцитлар таркибий қисмини ва макрофаглари фагоцитар активлигини нормаллаштирувчилар – риботан, иммунофан, дина, гликопин, натрий нуклеинат, полиоксидоний.

В.Х. Салямова (2008)ни таъкидлашча итларда кулоқ касалликлари барча касалликларнинг 20 % ини ташкил қилади. Итларда асосан ташқи ва ўрта кулоқ отитлари учрайди. Бу касалликда қуйидаги симптомлар кузатилади: итнинг безовта бўлиши, бошини силкитиши, оғриган кулоқ томонга бошини энгаштириши, кулоғини қичиши, пайпаслаганда безовталаниши, маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши аниқланади. Кулоқдан катарал ёки йирингли суюқлик оқиб туради. Ҳайвоннинг умумий ҳолати сусайган, иштаҳаси пасайган, ҳарорати кўтарилган бўлади.

Муаллиф отитларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни келтиради: бактериялар (стафилококк, стрептококк, протей) улардан, айниқса тилла стафилококк ва зумбуруқлар асосий бўлиб ҳисобланади.

Кулоқ канаси – отодектоз касалликини келтириб чиқаради. У микроскопик майда бўлиб, кулоқ йўлларида терисида паразитлик қилади ва кулоқ йўлларида каттик яллиғланишни чақиради. Отодектоз бўлган итда кучли қичиш пайдо бўлади. Кулоқ қобиқчалар билан ёпилади, яралар ҳосил бўлади. Отодектоз касал ит ва мушуклардан ўтади.

Отит билан касалланиш итнинг зотида ҳам боғлиқ, кўпкина ҳолларда Шарқий-Европа овчаркаси, кокер, пуделларда кўпроқ учрайди. Айниқса бу касаллик шалпанкулоқ итларда кўпроқ учрайди. Чунки кулоқнинг вентилизацияси бўлмаганлиги учун патоген микрофлора тез ривожланади.

Отит касаллиги насл суриши ҳам мумкин. Агар итнинг яқин уруғида отит учраган бўлса, бу муаммо унда ҳам бўлиши мумкин. Кўпкина ит болаларига тилла стафилококк онасидан юқади. Агар организм заифлашса уйқуда ётган инфекция ривожланиши мумкин. Даволаш фақат мутахассис ветеринария врач томонидан амалга оширилиши керак. Врач тўғри ташхис қўйгандан кейин даволаш яхши натижа беради. Бўлмаса касаллик сурункали даврга ўтиб кўп йиллар давом этиши мумкин. Ташхис қўйишда клиник, микробиологик ва паразитологик усуллардан фойдаланиш мумкин.

Даволаш нотўғри олиб борилган бўлса, айниқса йирингли отитларда кулоқнинг пардаси тешилиб, йиринг ички кулоққа ва ҳатто мия қобиқларига ўтиб менингитнинг ривожланишига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Бу эса кўпкина ҳолларда ит учун ўлим билан тугаши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга, чунки вақтида кулоқни назорат қилиш, тозалаш отитнинг олдини олиш учун ёрдам беради.

## 1.2.Итларда учрайдиган қулоқ касалликларининг этиологияси, патогенези, клиник белгилари, даволаш ва олдини олиш

Хирургик касалликларни 3-5 % и эшитиш органлари, яъни қулоқ касалликлари ташкил қилади ва улар ҳайвонларга безовта келтириш билан биргаликда ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Бу касалликларининг айримларини даволаш муддати узоқ бўлганлиги учун харажатлар ҳам кўпаяди. Бу эса хўжаликка иқтисодий зарар келтиради.

Кейинги йилларда бутун дунё мамлакатларида итлар ўртасида ташқи отитларкўпайиб бораётганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Россияда кейинги 5 йил ичида ушбу патология 48% га кўпайди ва яна кўпаймоқда. (Лукьяновский, В.А. 1998; Макарадзе, Л.А. , 1999; Медведев, К.С. , 1999; Нигман, Х.Г., 1998; Ракова, Т.Н., 1998 ;14. Сидоров, И.В. и др. 2000; Старченков, С.В., 1999; Суховольский, О.К., 1998; Чеботкевич, В.Н.и др. , 1998; Шабунин, С.В. , 1999)

Қулоқнинг яллиғланиши барча ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказди . Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб , аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирир бир асорат қолади . Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда.( Day, M. , 1998; David, II. Lloyd.,1999; Koutinas, A.F.,1998; Marolleau, J.,1995; McKee, P.H.1996; Snijdwint, F.Y.M.,1995; Somer, Г.,1995; C.H. Griffin,1995; Tischenko, L.,1996)

Ҳайвонлар орасида қулоқ касалликлари кенг тарқалган. К.И. Шакалов (1963, 1986) ни таъкидлашича, айниқса ташқи ва ўрта қулоқ касалликлари 25-30 % ни ташкил қилади.

К.И. Шакалов (1986), М.Ю. Лопатина (2004) ларни таъкидлашича қулоқ супрасининг гематомаси, айниқса чўчкалар ва итлар орасида кенг тарқалган.

Гематоманинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради: урилишлар, қулоқ супрасининг қисилиши, қулоқларни тортиш, тишлаш, каннибализм (чўчкаларда) ва бошқалар.

Гематома кўпроқ қулоқнинг ички юзасида, қулоқнинг олдинги артерияси шикастланганда аниқланади, чунки у қулоқ тоғайини ички томонининг териси остида жойлашади.

Гематома ташқи томонда ҳосил бўлганда асосан кулоқнинг ички артерияси шикастланади, бу артерия кулоқ тоғайининг ташқи томонида жойлашади. Бундай ҳолларда кулоқда иссиқ, оғрийдиган, флюктуация қиладиган шиш ҳосил бўлади. Кулоқ супраси қизариб катталашади ва пастга осилиб қолади. 2-3-чи кунга бориб оғриқ бутун кулоққа тарқалади, пайпаслаганда крепитация овози эшитилади.

Агар даволаш олиб борилмаса ва шу жойга инфекция тушса, йирингли тери лизисга учрайди ва у ўз-ўзидан ёрилиши мумкин.

Даволаш мақсадида, 4-5-чи кунга бориб асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда гематома кесилади, суюқлик ва ивиган қонлар олиб ташланади, жароҳат четига чок қўйилади. Кулоқ энса тарафга кўтарилиб боғланади. Бундан ташқари стерил игна ва шприц билан суюқлик аспирация қилинади ва тери тоғайга бир нечта чок қўйиш билан бирлаштирилади. Агар гематома хуппозга айланган бўлса, у кесилиб ичидаги йиринг чиқарилиб антисептик эритмалар билан ювилади. Тоғай некрозга учраса кулоқ ампутация қилинади.

К.И. Шакалов (1981), И.А. Калашник (1986) ларнинг таъкидлашича, кулоқ супрасининг жароҳатлари ҳайвонлар орасида кенг тарқалган, айниқса итларда кўп учрайди. Жароҳатлар турига қараб тишланган, йиртилганлари кўпроқ тарқалган. Улар юза, тешилган, кесилган бўлиши мумкин. Кулоқдаги жароҳатларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни айтиш мумкин: тишлаш натижасида, шикастланган, ўқ-дориларнинг таъсир қилиши ва бошқалар жароҳатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жароҳатга хос клиник белгилар қуйидагича аниқланади: қон оқиши, айниқса артериялар шикастланса қон миқдори кўп бўлади, яллиғланиш ривожланади, итларда сероз инфекция тушганда йирингли экссудат ажралиб туради.

Жароҳатни даволаш унинг ҳосил бўлган вақтига боғлиқ, агар жароҳат янги бўлса, қон оқиши тўхтатилгандан кейин жароҳат узлукли чок билан чокланади. Жароҳатда инфекция тарқалган бўлса, антибиотиклар қўлланилади, уларни жароҳат атрофига юбориш мақсадга мувофиқдир. Агар тоғай ва атрофдаги тўқималар некрозга учраган бўлса, бундай ҳолатларда кулоқ супраси соғлом тўқималар чегарасида ампутация қилинади.

Кулоқ супрасида яралар асосан итларда учрайди, айниқса кулоқлари осилган зотлиларда кўп учрайди. Уларда кўпгина ҳолларда жароҳатлар охиригача даволанмаса ярага айланади. Бундан ташқари яраларнинг келиб чиқишига бегона жисмлар, паразитлар, диатез сабаб бўлиши мумкин.

Г.С. Кузнецов (1980), К.И. Шакалов (1981, 1986), М.Ю. Лопатина, И.М. Донник (2004) ларнинг таъкидлашича, ташқи кулоқнинг яллиғланиши ҳайвонлар орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб ҳисобланади, айниқса кулоқ супраси узун бўлган итларда кўпроқ учрайди ва улар терапевтик касалликларнинг 15 % ини ташкил қилади. Ташқи кулоқ отитлари кулоқ терисининг ва ташқи эшитиш йўлини ўткир ва сурункали яллиғланиши билан кечади. Келиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради: кулоқ кирининг тўпланиб қолиб сассиши, бегона жисм ва паразитларнинг тушиши, юза жароҳатлар, тери касалликлари.

Итларда ташқи кулоқ яллиғланишлари муаммоси ҳозирги кунда юқумсиз касалликлар ўртасида биринчи ўринни эгаллайди ( Егорова, В.Н., 2000; Ермаков, А.М.,1998; Ермаков, А.М.,1999; Казаков, Д.Н. ,1999; Калинин, П.А., 1997; Калинин, Н.М.и др. 1998; Карпенко, Л.Ю. , 1999; Кондрахин, И.П. и др.2000; Корячкин, В.А. 2001; Красиков, А.Г и др. 1998; Курицина, Н.А. 1998 )

Ўткир яллиғланишда кулоқнинг ички юзаси қизарган, шишган, оғриқ сезиларли, нам, кулоқнинг асоси қалинлашган бўлади. Кулоқдан олдин кулранг сероз, кейин қорамтир-қизил йирингли экссудат ажралиб чиқади, ҳиди ўта сассиқ бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраб, яралар ҳосил бўлади. Кулоқнинг асосига босган вақтда шалпиллаш товуши чиқади. Бундай ҳолатда ҳайвон жуда безовта бўлади, кулоқ қичийди, бошини силкитиб оғрийдиган томонга буради.

Касаллик сурункали кечганда яралар ҳосил бўлган жойда грануляция тўқимаси ўсиб, гранулёмалар ҳосил бўлади. Кулоқ асосини пайпаслаганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, ҳайвон безовталанади, иштаҳаси пасайган, ўзи суст бўлади.

Ташқи отитларни даволаш учун И.А. Калашник (1986) қуйидагиларни таклиф қилади: кулоқ супраси ва эшитиш йўли ифлосликлар ва экссудатдан яхшилаб тозаланади, бунинг учун илиқ водород пероксиди ёки натрий бикарбонат эритмаларидан фойдаланиш мумкин. Шундан сўнг пахта ёрдамида кулоқ яхшилаб қурилади, яллиғланган терига йод-глицерин, 1 % ли пиоктанин ёки яшил бриллиантнинг спиртдаги эритмаси суртилади ва эшитиш йўлига илиқ камфора ёғи, синтомицин эмульсияси, Вишневский малҳами юборилади. Ҳайвон организмнинг резистентлигини ошириш мақсадида аутогемотерапия, тўқималар терапиясини қўллаш таклиф қилинади.

Йирингли отитларни даволаш учун И.А. Калашник (1986) қуйидагиларни қўллашни таклиф қилади:

Ўрта кулоқда йиринг тўпланганда кулоқ пардаси тешилади ва бўшлиқ 1 :1000 нисбатдаги этакридин лактат эритмаси билан бир неча марта ювилиб, 1 %

ли новокаида антибиотикларни эритиб юбориш лозим. Кулоқни ювиш учун 3 % ли водород пероксидини ҳам қўллаш мумкин, кулоқнинг ичини ювган вақтда ичидаги эритмани тўлиқ чиқаришга ҳаракат қилиш керак ва шундан сўнг таркибида антибиотиклар бўлган томизгичлар, эмульсияларни қўллаш тавсия қилинади, айниқса синтомицин эмульсиясини, Софрадекс томчилари яхши натижа беради.

Йирингли отитларда антибиотикларни 0,25-0,5 % ли новокаида эритиб, интракаротид ёки вена қон томирига юбориш яхши натижа беради.

К.И. Шакалов (1981)нинг таъкидлашича, ички юкумсиз касалликлар қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида 94-97 % ни ташкил этади. Шулардан 40 % и хирургик касалликларга тўғри келади.

К.И. Шакалов (1986), И.А. Калашник (1986), Е.П. Копенкин (1988), Ф.А. Сунагатулин, Р.В. Ветровая (1997), М.Ю. Лопатина, И.М. Донник (2004) ларнинг таъкидлашича, ўрта ва ички кулоқнинг яллиғланиши катарал, лекин йирингли бўлади. Келиб чиқиш сабабларига шикастланиш, бегона жисмларнинг таъсирида кулоқ пардасининг тешилиши ёки Евстахийев найи орқали томоқдаги яллиғланиш жараёни юқорига кўтарилиб чақириши мумкин. Ички кулоқнинг яллиғланиши кўпкина ҳолларда ўрта кулоқнинг йирингли яллиғланишининг асоратидан келиб чиқади.

М.В. Морева (1978) текширишларига кўра, чўчкаларда йирингли отитларнинг келиб чиқишига йирингли ринит ва фарингит сабаб бўлиши ҳам мумкин. Катарал отитда клиник белгилар намоён бўлмайди. Йирингли отитда эса тана ҳарорати ошади, иштаҳаси пасаяди ёки умуман бўлмайди, ҳайвонда депрессив ҳолатни кузатиш мумкин, боши ҳар тарафга эгилган бўлади. Кулоқ пайпасланганда кучли оғриқ пайдо бўлади. Йиринг таъсирида кулоқ пардаси бўртиб ёрилади, йирингли экссудат оқади. Евстахийев найи орқали йиринг бурун, оғиз ва ҳаво ҳалтасига тушиши мумкин. Ҳайвонларда ҳаракат координацияси бузилади, мувозанатини ушлай олмайди. Агар отит икки тарафлама ривожланса ҳайвонларда боши тебраниб туради. Бундай ҳолатларда жараён ички кулоқ лабиринтига тарқалади. Эшитиш суякчалари чирийди, мия қобиклари яллиғланади, томирлар тортилади, фалажланади, қайт қилиш кузатилади, бундай ҳолат ўлимга олиб келиши ҳам мумкин.

А.В. Караулов (1999) ни таъкидлашича, ўрта кулоқ отитининг асосий сабаби умумий ва маҳаллий иммунитетнинг пасайишидир.

М.Ю. Лопатина, И.М. Донник (2004) йирингли отитда бактериологик текширишлар ўтказганда 38 % ҳолатда шартли-патоген стафилококklar, 19 % замбуруклар (аспергилиус гуруҳидан), 5 % тилласимон стафилококк, 7 % протей,

2 % кўк йиринг таёқчаси, 12 % аралаш отитлар кузатилди, уларнинг кўзғатувчиси ичак таёқчаси ва оқ стафилококк, 13 % оқ стафилококк ва замбуруқ (аспергилиус ва ачитқи гуруҳидан). Бундан ташқари оқ стафилококк, протей, оқ стафилококк, протей ва замбуруқ комбинациялари учради ва улар 6-4 % ни ташкил қилди.

Оқ стафилококкларнинг таъсирида нейтрофилларнинг фагоцитар активлиги 17 % пасаяди, кўк йиринг таёқчада 12 % пасаяди, замбуруқларда 35 % пасаяди.

Бундан кўриниб турибдики, сурункали отитнинг кучайишида иммунологик депрессия ва лейкоцитоз аниқланади, бу эса нейтрофил қаторни чапга сурилишини кўрсатади.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, отитларни даволаганда қонни иммунологик кўрсаткичларига текшириб, агар унда ўзгаришлар аниқланса, даволаш схемасига иммуномодулятор препаратларни қўшиш керак. Бундай таъсир қиладиган препаратларга қуйидагилар киради: Т-системани нормага келтирувчи иммунокорректорлар: Т-активин, тимактид, тималин, тимоптин, продигпозан, лейкинферон, ронколейкин; В-системани нормага келтирувчи иммунокорректорлар: миелопид, В-активин, мастим; нейтрофилларнинг активлигини оширувчи иммунокорректорлар: фоспренил, максидин, достим; Т ва В система иммунитетнинг ва макрофагларнинг активлигини оширувчи иммунокорректорлар: риботан, иммунофан, дина, гликопин, натрия нуклеинат, полиоксидонийлар.

Лекин шуни айтиш лозимки, юқорида келтирилган препаратларни индивидуал тартибда қўллаш тавсия қилинади ва албатта иммунограммаси аниқлангандан кейин ҳамда уни даволаш жараёнида кузатиб бориш лозим.

## **I. боб бўйича хулоса.**

### **II. боб АСОСИЙ ҚИСМ**

#### **2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили**

#### **2.2. Итларда эшитиш органлар анатомо-топографик тузилиши.**

Организмнинг мувозанати тортишиш кучига боғлиқ. Бу ҳол фақат умуртқалиларда эмас, балки умуртқасиз ҳайвонларда ҳам бўлади. Эшитув органлари, асосан, махсус сезувчи ҳужайралар ва оҳаксимон кристалл моддалар — статолитлардан иборат бўлиб, улар доим сезувчи толаларга таъсир этади, таъсир эса қабул қилувчи ҳужайраларни кўзгатади. (Нарзиев Д.Х., 1986)

Мувозанат органлари пуфакчасимон бўлиб, статоцитлар дейилади, уларнинг деворида сезувчи ҳужайралар бўлиб, статолит жисмлар, статоцист бўшлиғида жойлашади. Тана ҳаракатининг ўзгариши билан уларнинг ҳар хил группа ҳужайраларга таъсири ҳам доим ўзгариб туради. Ланцетникларда жуфт статоцистлар бўлади. Қуруқда яшовчи ҳайвонларнинг мувозанат органлари эшитиш органлари билан қўшилиб, битта статоакустик аппарат ҳосил қилади. Сувда яшовчи ҳайвонлар танасида сочилиб турувчи сезувчи ҳужайралар кейинчалик тўпланиб, кадоқсимон орган ҳосил қилади. У ён чизикда жойлашиб, ҳар хил таъсирни қабул қилади. Булар кейинчалик чуқурлашиб, ичи статоцист суюқлиги билан тўлади. Нерв сезгиси ҳосил бўлиши натижасида улар махсус сезиш органларига айланади. Статоцистлар содда ҳайвонларда ташқи муҳит билан эндолимфатик йўл орқали бирлашган, улар кейинчалик юмилиб, овал ва юмалоқ шаклга киради. Овал халта атрофида перпендикуляр жойлашган бўртмалар вужудга келиб, кейинчалик улардан ярим доира каналлар ҳосил бўлади, Буни дастлаб балиқларда кўриш мумкин. (Нарзиев Д.Х., 1986 ; *Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003*).

Юмалоқ халтачада шишасимон бўрттик — лагена ҳосил бўлади. Судралиб юрувчилар, қушлар ва бир тешикли ҳайвонларда лагена кейинчалик эшитиш органи—чиғаноққа айланади. Сут эмизувчи ҳайвонларда у тез ривожлана бориб, бир қанча, масалан, ехиднада 1—2 та, типратиконда 1—2 та, китларда 2 та, куёнда 2— 1,5 та, итда 3 та, кавш қайтарувчиларда 3—1,5 та бурма ҳосил қилади. Қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг қулоғи уч қисмдан иборат бўлиб, ўрта қулоқ айниқса характерли, чунки унда товуш ўтказувчи бир нечта қўшимча орган бор. Ўрта қулоқнинг ички томони эшитиш йўли орқали ҳалқум билан бирлашади. Сут эмизувчи ҳайвонлардаги эшитиш суягидан болгача, сандон, ясмиқсимон суякчалар ва узанги суяклари келиб чиқади.

Эшитиш суякчаларини иккита мускул ҳаракатлантиради. Ташқи кулоқ билан ўрта кулоқ оралиғида ноғорасимон парда бор. Ташқи кулоқ кулоқ супрасини ҳосил қилади, у товуш тўлқинларини тутиб қолади. Кулоқ супрасини бир нечта мускул ҳаракатлантириб туради. Баъзи ҳайвонларнинг кулоқ супраси пастга осилган (филларда, баъзи тур отларда, чўчка, қўй ва ҳоказоларда) бўлади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

### **Эшитиш органларининг тузилиши**

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг эшитиш органлари уч қисмдан: ташқи, ўрта ва ички кулоқдан иборат. (Нарзиев Д.Х., 1986)

1. Ташқи кулоқ — кулоқ супраси ва уни ҳаракатлантирувчи ёрдамчи органлардан тузилган.

Итларда ташқи эшитиш йўли қисқа бўлиб, ташқи чиқиш йўли тухумсимон овал шаклда бўлади. У тил остки суягига бориб бирикади. Ички тешиги нотўғри овалсимон шаклда бўлиб, ноғорасимон халқани ҳосил қилади. Ташқи ва ўрта кулоқ орасидаги йўл бўлиб, унинг асосида суяк ва халқасимон тоғай бўлади. Бу йўлнинг ташқи қисми кулоқ супраси билан, ички қисми ўрта кулоқ билан туташган. Ташқи эшитиш йўли ноғорасимон халқа орқали ўрта кулоқдан ажралиб туради. У халқа ноғора пардага ёпишган бўлади. Қорамол, қўй эчки ва чўчкаларда бу йўл узун, отларда қисқа ва воронкасимон бўлади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

Итларда кулоқ супраси турли зотли итларда турлича бўлиб, ё тик туради ё осилиб туради. Кулоқ супрасининг пастки қисмида тери чўнтакчаси мавжуд. Кулоқ супраси воронка шаклидаги тери бурмасидир. Кулоқ супраси кўпчилик ҳайвонларда тоғай пластинкадан иборат. Унинг ташқарига чиқиб турган қисми қайиқча — проксимал қисми кулоқ супрасининг асоси — дейилади. Супранинг ташқи юзаси девори — ички қисми қайиқсимон чуқурча дейилади. Бунда кенг кулоқ ёриқчаси — бўлиб, унинг олдинги ва кейинги четлари бўлади. Бу четлари бир-бири билан бирлашиб супра учи, бош суягига яқин жойи ёпишиб боғлам ҳосил қилади. Кулоқ супрасининг сирти калта, ички юзаси узун жун билан қопланган. Кулоқ супрасининг тоғайи эластик моддадан тузилган. Супранинг асоси ёғ ёстикчасида бўлиб, у кулоқ ҳаракатланишига ёрдамлашади. Қорамолларнинг кулоқ супраси кенг ва ёйикроқ қўй ва эчкиларда ҳам шундай шаклда, лекин осилиб турадиган бўлади. Чўчкаларники кенг, очикроқ, отларда узун ва тик турадиган бўлади. Кулоқ супрасини ҳаракатлантирувчи мускуллар уч группага бўлинади:

*Кулоқ супрасини тарангловчи мускул* — жуда юпқа пластинкадан иборат бўлиб, чакка чуқурини тўлдириб туради. Унинг марказида тоғай қалқонча бор.

Тарангловчи мускул уч қисмга бўлинади: а) қалқонлараро мускул ташқи сагиттал тарокдан боради; б) пешана қалқон мускули пешананинг ташқи тароғига бирлашади; в) бўйин қалқон мускули энса тароғидан бошланиб, тоғайсимон қалқончада тугайди. (Нарзиев Д.Х., 1986)

*Қуйидаги тўртта аддуктор:* а) юқориги аддуктор; б) ўрта аддуктор; в) пастки аддуктор; г) ташқи аддуктор кулоқ супрасини айлантиради ва олдинга тортади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

*Кулоқ супрасини кўтарувчи мускуллар* учта бўлиб, улардан: а) узун кўтарувчи мускул энса тароғидан супра томон боради; б) қисқа кўтарувчи мускул бирлашади; в) қисқа аддуктор юқоридаги мускул билан бирга бошланиб, супранинг пастки қисмида тугайди.

5. *Кулоқнинг пастки мускули* кулоқ орқаси сўлак безидан бошланиб кулоқ супрасида тугайди, бу мускул қисқарганда супрани пастга тортади.

*Узун ва қисқа бурувчи мускуллар* қалқончадан кулоқ супрасишг асосий қисмига боради. Чўчкаларда юқоридаги мускуллар бир-бирига қўшилиши натижа-сида сони анча камаяди, қорамолларда анчагина йирикроқ, от-ларда кучли ривожланган бўлиб, кулоқ супрасини 180° гача бура-олади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

Ўрта кулоқ ташқи кулоқдан кейин келиб, кулоқ суяги бўшлиғида жойлашади. Итларда эшитиш суякчаси бошқа ҳайвонларга нисбатан каттароқ бўлади. Бу ноғора парда, тўртта эшитиш суякчаси, мускул ва пайлардан иборат. Булар ҳаммаси эшитиш органларининг ёрдамчиси ҳисобланади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

*Ноғора бўшлиғида* юқорида кўрсатилган ор-ганлар жойлашади, унинг ички қисмида иккита дарча бор: бири даҳлиз дарчаси узанги билан ёпилган, иккинчиси чиганоқ дарчаси, ички ноғора парда бор. Булар оралиғида чўққайма бўлади. Ўрта кулоққа эшитув йўли ва юз нерв каналлари ҳам очилади.

*Ноғора парда* ўрта кулоқ бўшлиғининг ён томонида жойлашади. Бу парда бириктирувчи тўқимадан тузилган бўлиб, ички томони шилимшиқ парда, ташқи томони эса те-ри билан қопланган. Ноғора парда товуш таъсирида доим тўлқин-ланиб, ҳаракатланади ва товушни ташқаридан ичкарига ўтказди. (Нарзиев Д.Х., 1986)

*Эшитиш суякчалари* тўртта суякча бўлиб, товушни ташқи кулоқдан ички кулоққа ўтказиш учун хизмат қи-лади.

*Болғачанинг* боши, бўйни ва дастаги бор. Боши юқorigа жойлашиб, сангдон билан қўшилади. Дастаси эса ноғора парда билан пай ва мускуллар орқали бирлашади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

*Сангдоннинг* танаси ва иккита оёқчаси бўлиб, қисқа оёқчаси пай орқали ноғора бўшлиғи деворига, узун оёқчаси узан-гига бирлашади.

*Ясмиқсимон* суяк кичик суякча бўлиб, сандон ва узанги суяги ўртасида жойлашади.

*Узангининг* боши ва иккита оёқчаси бор. Боши ясмиқ суягига, оёқчалари эса даҳлиз дарчасига бирлашади. Узанги бўйнига мускул бирлашган, у узангини тортиб, товуш кучини сусайтиради. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).


*Эшитиш найчаси* ўрта кулоқ ва ҳалқум ўртасида жойлашади. У доим ноғора бўшлиғи ичидаги ҳаво босимини тенглаштириб туради. Қорамол ва чўчқаларнинг ноғора бўшлиғи унча кенг эмас, эшитиш суякчалари қисқароқ. Итларда эшитиш найчаси анча узун бўлади. Қоракўл кўйларда бу бўшлиқ кенг ва девори силлиқ бўлади. Эшитиш суяк-чалари ҳам яхши ривожланган. Отларда бўшлиқ кенг, эшитиш йўли суяк ва тоғай қисмлардан иборат бўлиб, ҳаво халтачаси билан қўшилади (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

*Ҳаво халтачаси* — бир туёқлиларда бўлиб, эшитиш найчасининг шилимшиқ пардаси бўртиш натижасида ҳосил бўлади. У ҳалқум, ҳикилдоқ ва бош суяги асоси ўртасида, сўлак беги ва қанотсимон мускул остида жойлашади. (Нарзиев Д.Х., 1986)

Ички кулоқ — эшитиш органларининг энг муҳим ва мураккаб қисмидир. Бу суяк лабиринт ва парда лабиринт-дан иборат бўлиб, парда лабиринт функцияси жиҳатдан ички қу-лоқнинг асосий қисмидир. Суяк лабиринт билан парда лабиринт морфологик жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлади.

*Суяк лабиринт* — кулоқ суягининг қоя-ли қисмида жойлашади. У уч қисмдан иборат бўлади: даҳлизи — марказий ўринда туради, чиғаноқ даҳлизининг олдинги пастки томонида, ярим доира каналлар эса юқори орқа қисмида жойлашади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

*Даҳлиз*—шарсимон бўшлиқ, диаметри 5 мм гача бўлади. Ички деворида эшитиш нерви ўтиши учун тешикча, ён томонида даҳлиз дарчаси узангича билан ёпиқ, орқа томонда тўртта тешик бўлиб, улардан учтаси ярим доира каналлари тешигидир.



213- расм. Эшитиш ва мувозанат органлари схемаси.

/ —қулоқ супрасининг бир қисми; 2—ташқи эшитиш йўли; 3—ноғора парда; 4—ноғора парда бўшлиғи; 5—болғача; 6—сандон; 7—ясмиқ-симон суякча; 8—узангича, 9—евстахиев найи; 10—узангича мускули; //—ноғора пардани тарангловчи мускул; 12—чиғаноқ дарчаси; 13— чўққайма; 14—ярим доира каналлар; 15, 16—суяк лабиринти даҳ-лизининг овал ва юмалоқ халтачалари; 17— сув йули даҳлизининг эндолимфати йўли; 18— сув йули халтаси; 19—суяк чиғаноқдаги пардали канал; 20—чиғаноқ гумбаз; 21—чиғаноқ сув йули; 22— мияннинг қаттиқ пардаси(Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

Олдинги томондан чиғаноқнинг канали бош-ланади, ундан пастроқда даҳлиз сув йўли — бўлиб, у қоя суягининг ички томонига ўтади .

*Ярим доира каналлар* — учта бўлиб, ён томондагиси горизонталь, юқоригиси сагиттал ва орқа томондагиси сегментал ҳолда жойлашади. Ҳар бир каналнинг иккита оёқчаси ёки даҳлизга очилиш йўли бор. Ярим доира каналлар мувозанат сақлаш вазифасини бажаради. (Нарзиев Д.Х.,1986)

*Суяк чиғаноқ* — спираль шаклда бўлади. Унинг ўқи ва спираль канали — бўлиб, ўқнинг асо-си ички эшитиш йўлига қараган, учи ён томонга, ноғора бўшлиғига қараган бўлади. Чиғаноқ учида спираль пластинка бўлиб, у гумбаз тагида илмоқ шаклида тугайди. Спираль пластинканинг асосида спираль-чиғаноқ ганглийлари бўлади. Чиғаноқнинг спираль каналини спираль пластинка иккига бўлади; даҳлиз нарвони даҳлиздан бошланади; ноғора нарвони — юмалоқ дарчадан бошланади. Унга яқин жойдан чиғаноқ сув йўли бошланиб, у ҳам қоя суягининг ички юзасига боради. Ҳар иккала нарвон гумбаз тагида бир-бири билан бирлашади.*Парда лабиринт* — суяк лабиринтнинг ичида туради, ундан кўра кичикроқ бўлади. У овал хал-тачадан иборат бўлиб, ичида учта пардали ярим доира канал бор. Юмалоқ халтача пардали чиғаноқ каналидан иборат. Парда лабиринт билан суяк лабиринт ўртасида

бўшлиқ бўлиб, у перилимфа суюқлиги билан тўлган, уларнинг деворлари ясси — тўқима билан қопланган. Парда лабиринтининг шакли худди суяк лабиринтга ўхшаш бўлади. Парда лабиринт ўзаро туташувчи бўшлиқлар ва каналларнинг мураккаб системасидир. Бу бўшлиқ ва каналларнинг ичида тиниқ суюқлик — эндолимфа бор. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

Эндолимфа йўли — йўғонроқ оёқчаси билан юмалоқ халтачага, нозикроқ оёқчаси билан овал халтачага бирлашади. У қулоқ суягининг мия юзасидаги сув йўли даҳлизи орқали чиқиб, халтача—шаклида, узунлиги 1 см, эни 2 мм бўлиб кенгаяди. Бу халтача мия қаттиқ пардасининг ҳар иккала варағи орасида жойлашади. Парда лабиринт суяк лабиринтдан перилимфа бўшлиғи орқали ажралиб, субарахноидал бўшлиқ билан чиғаноқ ва даҳлиз сув йўллари орқали бирлашади. Перилимфа сув йўли бўшлиғи перилимфа суюқлиги билан тўлган бўлади. (Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003).

## **2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси, уларда қулоқ касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси**

### **2.3.1. Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси .**

Итларни сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Итларни сақлаш учун хоналарни қуришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир катор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи хайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ.) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва қуёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва

бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер майдони кичик бўлса, деворда эшик колдирилади, акс ҳолда дарвоза қурилади. Уларга ишончли кулф қўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар қурилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м . Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилган. Вольернинг олд қисмида эшик ясалган, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м . Эшик ичкарига очилади. Ҳар бир кабина ичида будка қурилган. Будка туйнугининг ўлчамлари 40х50 см га тенг . Унинг томи ясси, силлиқ , чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишга мослаштирилган.Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, хашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғиштдан қурилган. Вольерларнинг ён деворлари ғиштдан, олд девори ва эшиги эса темир панжарадан ясалган. Кабина ва вольер поллари ғиштдан ясалган. Итларни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1х1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилган. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга кўмиб қўйилган. Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча қоқиб ўрнатилган. Унга ит тозалаш пайтида ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам эмас. Итларни кўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва овқат пишириш хоналари бор. Питомникда ветеринар лабораторияси ,амбулатория ва стационар қурилган.

Туғиш хонасида туғишига 7-10 кун қолган бўғоз ва тукқан қанжиқларни сақланади . Унинг ичида кабиналар қурилган (2,5х3 м). Кабиналарда будкалар бўлиб,ёзда будкалар вольерга чиқарилади.

Онасидан ажратилгандан кейин ва 6 ойлигигача ит болалари гуруҳ-гуруҳ қилиб сақланар экан. Улар учун сим тўр билан ўралган, катта - 6х6 м келадиган вольер қурилган. Унинг ичида будкалар ва ўйин учун мосламалар қўйилган.

Итни якка тартибда сақлаш учун стандарт ўлчамдаги йиғма будкалар қурилган бўлиб, будканинг олдида 1х1,7 ўлчамда шит ётқизилган. Будка ёнида эса устун ўрнатилган ва итни боғлаб қўйиш учун унга халқа бириктирилган. Қишда будка турли иссиқ сақлайдиган ашёлар (эски кўрпа, брезент ва бошқ.) билан ўраб қўйилади. Девор эшиги доим қулфланиб ёпиқ турилади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 400 дан ортиқ ит зотлари мавжуд бўлиб, булар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1.Хизматчи итлар
- 2.Овчи итлар
- 3.Декоратив ёки уй итлари.

Итларни сақлаш усуллари уларнинг умумий ҳолатига, ўсиш - ривожланишига, соғлиғига ва иш фаолиятига боғлиқ бўлади. Итларни сақлашни қўйидаги усуллари мавжуд: гуруҳда, далада, ҳовлида, уйчаларда ва ҳ.к. усуллари амалиётда қўлланилади. Гуруҳ усулида сақлаш махсус урчитиш, кўпайтириш, ўргатувчи ва ҳарбий қисмларда қўлланилади. Чўпон итлари доимо далада сақланади. Ҳовли ва дала ҳовлида сақлаш усуллари кишлоқ шароитларида амалга оширилади.

Кейинги вақтларда итларни уйларда сақлаш усули кенг қўлланилмоқда. Итларни гуруҳларда сақлаганда улар учун махсус бинолар қурилади. Улар хоначаларга бўлинган бўлиб, яйрашга чиқиш учун очиқ жой қолдирилади. Яйраш майдони текис бўлиб ҳеч қандак буюмлар бўлмаслиги керак. Итларни жароҳатланишига, тсриларини ифлос бўлишига нмкон бермаслиги керак. Агар яйраш майдони зах ёки нам бўлса тахтадан тўсиқлар қўйилиб ердан баланлиги 20-30 см бўлиши керак. Тўсиқларни олиш. қўйиш осон бўлиши учун улар бир неча бўлакларга бўлинган бўлади. Итларнинг сони кўп бўлса айвонлар қурилиб алоҳида ҳар бир ит учун яйраш майдони ажратилади. Айвонлар иклим шароитига ҳамда асосий шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда қурилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Ҳар бир кабинага тахтадан узунлиги 1м, кенглиги 0,9 м ва баландлиги 0,8 м бўлган олинадиган уйчалар ўрнатилади. Ташқарига чиқиш учун 0,4 х 0,5 м туйниклар ўрнатилади. Уйчаларни томи яхлит, текис ва олинадиган бўлиб, атрофи тахта билан баландрок қилиб кўтарилади. Иссик пайтлари итлар асосан томнинг устида ётади. Шунинг учун усти салкин бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Жанубий ҳудудларда итлар учун 1 х 0.8 м бўлган тўсиқлар ўрнатилиб, атрофи тахта билан ўралади. Тўсиқнинг пастида 2 та ёғоч болор қўйилиб, баландлиги 15 - 20 см бўлади. Совук пайтлари иссиқликни сақлаш учун уйчаларнинг ичига итларнинг ётадиган жойига похол, сомон, ёғоч кипиғидан нозик тўшама тўшалари. Уйчалар ер ости сувлари чуқур бўлган жойларда, ёмғир ва қор сувлари тўпланмайдиган жойларга ўрнатилади. Улар хўжалик бинолари, саройлар, гараж, ҳожатхона, товукхона, отхона, қўйхона ва гўнғхоналардан камида 15-20 м узоқликда жойлаштирилиши керак. Итлар сақланадиган жойлар девор билан ўралиб, пойдевори 30 см чуқурликда бетон қилиниб, ғишт билан кўтарилиши керак. Майдоннинг 7-7,5 м<sup>2</sup> жойи бетон, асфальт ёки тупроқдан қилиниши мумкин эмас. Чунки у намликни ошириб итлар ўртасида шамоллаш касалликларини келиб чиқишига сабабчи бўлади. Энг қўлайи яйраш майдонларини тахтали полдан қилинган маъқул. Бундай поллардан 5-7 йил тулиқ фойдаланиш мумкин. Майдоннинг 5/1 қисми очик қолдирилиб кукаламзорлаштирилади. Яйраш майдонининг устидан ўлчами 1,5-2 м бўлган енгил айвонлар ёки соябонлар уйчанинг устидан қурилади. Майдонлар 2-3 кунда бир марта, уйчалар эса 1 ойда 2 марта тозаланади. Айвонлар итларни иссиқ уришидан, ёмғир ва қордан ҳимоя қилади. Итлар дала ҳавлиларда сақлаганда ўзларини яхши хис этадилар. Уларни сақлаш учун бўлиниб тайёрланадиган тахтали уйчалардан фойдаланилади. Уйчаларнинг ўлчами кичик итлар учун кенглиги 70 см узунлиги 55 см ва баландлиги 60 см бўлиши керак. Ташқарига чиқиш учун туйникнинг ўлчами 0,3х0,4 м., ўрта итлар учун (боксёр, ротвеллер) 1,15 х 0,75 х 0,8 м, туйниги эса 0,35-0,5 м., катта итлар учун (док, Кавказ овчаркаси) 1,35х0,95 туйнуги 0,4-х0,5м бўлиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Уйчаларнинг девори 3 қавватли ички, ташқи қалинлиги 15 мм, ўртаси 30 мм ли қурук ёғоч кипиғи билан тўлдирилади. Бундан ташқари уйчанинг ичида олинадиган шифт бўлади. Бир қаватли уйчала қурук тахтадан қилинган булиб қалинлиги 30 мм бўлиб, полнинг қалинлиги 20 мм бўлади. Ташқи томони 2 қаватли махсус ҳимоя қатлами билан қопланади. Томи текис бўлиб 1 ёки 2 томонга эгилган бўлиб ёмғир сувлари ўтмаслиги керак. Уйчалар нам бўлмаслиги

учун унинг остига ёғоч болорлар қўйилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Уйчалар 1 ҳафтада 2-3 марта тозаланади. Озик - овқат берилган идишлар итлар овқатни еб бўлгандан кейин олиб яхшилаб ювилади. Итларни ҳовлида сақлаганда одамлар яшайдиган жойдан 15-20 м узоқликда ва баландроқ курук, тоза, елвизаксиз, қуёш нурлари тушадиган, ери эса ёмғир ёғгандан кейин тез қурийдиган жойдан жой ажратилади. Итлар учун атрофни кузатадиган жойи аниқ ва баландроқ бўлиши керак. Итлар саройларда сақланса улар учун табиий ёруғлик тушадиган алоҳида жой ажратилади. Дам олиши учун тўсиқ билан ажратилган жой белгиланади. Итларни молхоналарда, кўтонларда, омборларда, устахоналарда. автомобил саройларида сақлаш мумкин эмас. Итларни эркин ҳолда дала ҳовлиларда сақлаганда атроф тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак. Итларни сақлаш учун бинолар қўрилганда ёғоч устунлар ёки метал трубалардан фойдаланилади. Уларнинг пастки қисми ерга 30 см чуқурликда кўмилади. Кейин юкориги ва пастки қисми тахта билан бекитилиб метал тўр билан копланди. Тўрнинг пасти ерга 15-20 см чуқурликда кўмилади. Яйраш майдонига қум сепилади. Яйраш майдони тоза сакланиб, ит тезаклари ўз вақтида йиғиштириб олинади. Итларни далади дарахт, тўсиқ ёки қозикларга боғлаб сақланади. Яйловларда эса итлар учун уйча, чайла, ертўлалар қурилиб, кўтонга яқин булиши керак. Итларни уйларда сақлаганда итлар ҳар куни 3 марта ташқарига чиқарилиб яйратилади. Итлар учун уйларда алоҳида жой ажратилиб, остига юмшоқ материаллардан тўшама тўшалади. Гуруҳда сақлаганда итлар учун махсус уйчалар жиҳозланади. Уйчалар олдида ҳар бир ит учун алоҳида яйратиш майдончалари ташкил қилинади. Уйчаларни (кабина) узунлиги 2 м, кенглиги 1,5 м, олдинги деворни баландлиги 2,5 м., орқа томони 1,5-2 м, эшикнинг баландлиги 1,7 м, кенглиги 0,7 м, эшикнинг устидан ойнали дераза ўрнатилади. Эшикнинг тагидан 0,4 х 0,5 м туйнук колдирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Яйратиш майдонида ёғочли тахланадиган уйча ўрнатилади. Жанубий районларда эса унинг ўрнига итларни ётиши учун тахтали пол қилиниб, газлама материалдан баландлиги 15 - 20 см тўшама қилинади. Уйчаарни ўлчамларни ҳовлида сақлаганда 1,2 х 0,9 х 1 м, томи бир томонга ёки икки томонга қараб эгилган бўлади. Уйчалар салкин жойларда, дарахтларнинг остига жойлаштирилади. Олдидан эса ўлчами 1,2 х 1,5 м тахтали тўсиқ ўрнатилади. Қишда уйча иссиқ сақловчи материаллар билан иситилади. Уйчалар доимо шамоллатиб дезинфекция

қилинади. Уйчаларнинг асоси пол, девор, каркас ва томдан иборат. Итларни эркин ҳолда ҳовлида сақлаганда унинг атрофи девор билан ўралган бўлиши керак. Итларни бошқа ҳайвонлар қорамоллар, чўчқалар, қўйлар билан бирга ёпиқ биноларда сақлаш мумкин эмас. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итлар доимо парвариш қилиниши, териси ҳар куни тозаланиши керак. Итларни терисини тозалаш учун қашлагичлар ишлатилади. Уларнинг жунини юлиб олиш мумкин эмас. Итларни терисида кўп миқдорда ўлган эпидермис ҳужайралари тўпланади, ёғ ажралиши натижасида улардан ёмон ҳид келади. Шунинг учун итларни илик +250 - 280С ли сувда совун, шампун ёки махсус зоосовунлар билан ювилиб, кейин тоза, куруқ сочиқ билан артилади. Итларни тез-тез ювиш тавсия этилмайди. Итлар асосан иссиқ пайтлари ҳар ойда бир марта ювилади. Итларни чўмилтириш улар организмнинг табиий чидамлилиқ қобилятини оширади. Шунинг учун итлар иссиқ пайтларн ҳар куни бир марта чўмилтирилади. Агар сувнинг ҳарорати +180С дан паст бўлмаслиги зарур. Чўмилтириладиган сув ҳавзасининг суви тоза бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Итларни чўмилтирадиган жойлар одамлар чўмиладиган, ҳайвонлар сув ичадиган жойлардан узоқ бўлиши яъни оқар сувларнинг пастки жойларида чўмилтириш керак. Итлар озиклантиришдан 5-20 минут олдин чўмилтирилади. Айрим зотдор итларнинг жуни қирқшшб, уларнинг тери қоплами устига шакл берилади. Итларни жунини қирқиш жараёни курак, елка, буйин, бел, бош, кўкрак жунлари кейн оёқ буғим жунлари олинади. Бу жараён иссиқ пайтлари ёки баҳор ойларида бажарилади. Итларни асосан яйратишга олиб чиққан вақтда тозаланади. Итларнинг териси доимо ҳар хил ифлослнклар билан ифлосланади. Шунинг учун уларни иссиқ сув билан ювиб туриш керак. Итларни чўмилтириб туриш уларнинг организмни чиниқтиради. Шунинг учун итларни иссиқ вақтлари ҳар куни чўмилтириш мақсадга мувофиқ. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Айрим зотли итларни жуни олинади - олдин курак усти, елкаси, бўйни, боши, кўкраги ва охирида оёқларининг жуни олинади. Жунни олиш асосан баҳорда иссиқ пайтлари амалга оширилади. Итларнинг тирноқлари ўсиб кетса юришга ҳалақит беради. Шунинг учун тирноқларнинг учлари кесилади. Айрим зотли итларнинг қулоқлари, думлари кесилади. Итларни қандай усулда сақлаш боқишдан қатъий назар улар яйратилиши зарур. Улар кунига камида 2-3 марта 30-40 дақиқа давомида тоза ҳавода яйратилиши лозим.

Яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралади. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралади, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга кўмилади. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилади. Эшик ичкарига қараб очилади. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинадиган узунлиги 1 м кенглиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилади. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м бўлади. Томи текс бўлиб атрофии тахта билан ўралган бўлиб олинадиган бўлиши керак. Ёзда итлар томнинг устида ётади. Шунинг учун уйча салқин жойга ўрнатилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Итларни тозалаш учун тароқ, қашлагич, тоза матолар қўлланилади. Тозалаш учун итларнинг чап томонидан туриб, олдин боши, бўйни, танаси, думи ва оёқлари тозаланади. Сўнгра шундай тартибда қашлагич унги кўлда ушланиб, чап кўлда эса тароқ ушланади. Итлар жуда кирлаган бўлса уни олдин похол ёки хашак тозалагич билан тозаланади. Юмшоқ жунли итларда бундай тозалаш жуда осон бўлади. Уларни териси ҳар куни патли сочиқ билан артилади. Ҳафтасига итларни икки марта тароқ билан тозаланилади. Тозалаш итларни жунларини ўсишига қараб ва аксинча утказилади. Улар тозалангандан кейин териси нам сочиқ билан артилади. Социқни кирланишига қараб уни ювиб сувини сиқиб артиш давом эттирилади. Итларнинг кўзи ва кўлоқларини тоза мато ёки пахтали тампон билан артилади. Танасининг юмшоқ терилари кўлоғининг орқаси, тос оралиқларини тозалаш учун юмшоқ силлиқ қашлагичлардан фойдаланилади. Териси нозик бўлгани учун уларни жароҳатланишига йўл қўймасдан ойига бир ёки икки марта тозаланади. Тез кўзғалувчи (жаҳлдор) итларни тозалашга аста секин ўргатилади. Итларни ишлатгандан кейин тезда ёки овқат еяётган пайтда тозалаш мумкин эмас. Итлар чўмилтирилгандан кейин бўйнидан боғлаб то танаси қуриганча яйратилади. Жуни кам ўсган итларни териси тароқ ва қашлагичлар билан тозаланиб турилади. Уларни тирноқлари ўсиб кетган бўлса юришига ҳалақит бермаслиги учун тирноқлари олинадиган ёки эгов билан текисланади. Кўпчилик ит зотларининг кўлоқлари ва думларига шакл берилади. Бу жараён ветеринария мутахассислари томонидан ветеринария даволаш пунктларида амалга оширилади. Пудель зотли итларнинг жуни олинадиган, соғлом бошқа зотли итларни жунини қирқиш тавсия этилмайди. Фокстер зотли итларнинг жуни қаттиқ бўлгани учун юлиб олинадиган. Бир йилда жуннинг ўсишига қараб 3-4 марта итлар жуни олинадиган.

Хизмат сафаридаги итлар ўзларига беркитилган одамлар билан сақланади. Дала шароитларида улар учун чайлалар, енгил типдаги соябонлар ўрнатилади. Иссиқ пайтлари итларни дарахт соясига, куёш нурларидан пана жойларга жойлаштириб, куёш нурларининг тўғридан тўғри тушиши, шамол ёки ёмғирдан сақланади. Совуқдан сақлаш учун уларнинг танасига попонлар кизгизилиб остига тўшамалар тўшалади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; С.Н. Хохрин, 2001).

Шаҳар жойларида итларни кўчаларда боғловсиз колдириш, улар билан бирга савдо дўконларига, ошхоналарга, медицина корхоналарига ва бошқа иш жойларига кириши таъқиқланади. Уларни одамлар яшайдиган жойларга олиб чиқиш учун калта боғлаб, бурундик кийгизилади. Ит эгасининг ёнида унинг тезагини олиш учун хокандоз ва халтача бўлиши керак.

Итлар темир, автомобил, хаво ва сув йўллари орқали ташилади. Бунинг учун итлар ветеринария даволаш муассасаларида текширилади. Итнинг эгасида итнинг паспорти ва ветеринария гувоҳномаси бўлиб, унда итнинг соғломлиги, турли юкумли касалликларга қарши эмланганлиги кўрсатилган бўлади. Касал итларни ташиш мумкин эмас. Шаҳар транспортларида итларни олиб юриш таъқиқланади. Узоқ йўлларга ташилганда 12 соатдан кейин махсус ажратилган жойларда озиклантириш амалга оширилиб, автоуловларда ташишдан 3 соат олдин итлар озиклантирилиб, жўнатишдан 1-1,5 соат олдин яйратилади. Узоқ масофагаташилгандан кейин итларга узоқ муддатли дам берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Итларни ташишдан 6 соат олдин озиклантирилади ва яйратилади. Йўл давомида ҳар хил стрессларни олдини олиш мақсадида уларга таниш бўлган ўйинчоқлар берилади. Улар профлатик кўрикдаи ўтказилиб эмланади. Чет элга кетадиган итлар учун ҳужжатлар тайерланиб ветеринария врачининг маълумотномаси, кутириш касаллигига қарши эмланганлиги кўрсатилиши керак.

Итларни иўйимлилик моддаларга бўлган талаб, наслий, жинсий,ёшига ва бошқа фарқларига қараб аниқланиб, тирик вазни (итнинг ката-кичиклиги) мускул фаолияти, зоти, физиологик ҳолати, сақлаш шароитига қараб белгиланади. Итларнинг энергияга бўлган талаби асосан гавдасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Қуруқ, мускулли итлар ҳаётӣ жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузғаладиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2 баробар, хизматчи итларда - 30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кг тирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кдж, 3-5 ойликда 710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Оқсилга бўлган талаб катта ёшдагиларда 1 кг тирик вазнига 4,5 г, ёш итларники 9г. Бу талаб наслли итларда эркакларида - 30 % га бўғоз итларда - 20 - 50 % қайси даврда туғишига қараб, сут эмизадиганларда сут беришнинг бошланғич 2 ҳафтасида 50 % га, 3-5 ҳафтасида -70 %, хизматчи итларда - 50 % ошади тинч турган итларга нисбатдан. Ёғга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда ўртача 1,3 г, ёш итларга 2,6 г. Наслли итларда 10-15 %, хизматчи итларда 15 % га ошади. Енгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда 10г, ёш итларга 15,8 г. Наслли ва хизматчи итларда 10-15 % ошади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Клетчаткага бўлган талаб катта ёшдагиларда ўртача 1 г, ёш итларга 1,5 г 1 кг тирик вазнига туғри келади.

Эркак итларни физиологик ҳолатига тинч туриш (яъни фойдаланмайдиган давр) қочиришга тайёрлаш ва қочиш даврига қараб озиқлантирилади. Итларнинг озиқлантириш хусусияти уруғнинг миқдори ва сифати билан белгиланади. Итлар ҳар бир кўшилганда ўртача 10 мл (40 мл гача) уруғ беради. Уруғининг сифатига рационнинг тўлиқ қийматлилиги ва калориялиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни қатъий норма асосида озиқлантириш зарур.

Эркак итлар рацион структураси қуйидагича бўлиши зарур: талаб қилинадиган энергияга нисбатан гўшт - 50 %, крупа - 40 %, сабзавот 10 % Эркак итлар қочиришга 1,0-1,5 ой олдин тайёрланади. Бу даврда рационда ҳайвонот маҳсулоти 70 % дан кам бўлмаслиги керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Қўшилиш даврида I дона тухум бир кунда ёки кунаро хом жигар, балиқ ёғи, ачитқи, глицерофосфат ва кунда ёки кунаро 1-2 томчи витамин препаратларини бериш фойдали. Эркак итлардан фойдаланмаган даврда 2 марта, қочириш даврида 3 марта озиқлантирилади. Озуқа маҳсулоти қуюқ сут ёки сугоқ каша сифатида берилади. Озуқалар 2-3 соатдан кейин берилади. Бериладиган озиқа иссиқроқ (+350 - 800С) ҳолда берилиши зарур.

Итларнинг бўғозлик муддати ўртача 62-63 кунни ташкил этади (58-65 кун) итлардан ўртача 3-6 та бола олиш мумкин. Она қорнида ривожланаётган боланинг яхши ривожланиши тўлиққийматли озуқалар билан меъёр асосида озиклантиришга боғлиқ. Рационнинг тенглаштирилмагани, энергетик тўйимлиликнинг пастлиги, оксил, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги эмбрионнинг ўлимига ва нимжон бола туғилишига сабабчи бўлади. Бўғоз итлар рационни ёғсиз гўшт, суп махсулотлар (ичак, қорин ва ҳокозолар), сутли озуқалар, ҳар хил крупалар, сабзавот, ҳайвон ёғи, минерал моддалардан ва витаминлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Янги туғилган ёш итларда рахитнинг олдини олиш учун суяк уни ва минерал қўшимчалар ўрнига, махсус қўшимчалар, глицерофосфат кальций (40 дона таблетка), лактаткальций (40 таблетка), озиқавий бўр (20 г), фитин (10 таблетка), фаол кумир (10 таблетка) майдаланиб аралашмадан ярим чой қошиқдан берилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бўғоз итларни бўғозликнинг 3 ҳафтасидан 3 марта, 7 ҳафталигида 4 мартадан озиклантирилади. Бу даврда асосий озуқа гўштли суп, крупа ва сабзавот аралашмаси бўлиши зарур. Суп 2 марта эрталаб ва кечқурун берилади. Унга минерал ва витаминли қўшимчалар қўшилади. 3-4 озиклантиришда сут, нон билан ёки пиширилган гўшт берилади. Озуқа доимо бир вақтда берилиши зарур.

Итларнинг сут бериш даври 4-6 ҳафта давом этади. Сут бериш ҳар хил даврда ҳар хил бўлади. 20-25 кунгача сут безларининг сут ажратиши жадал бўлади, кейин эса камая бошлайди. Сутда 7 % оксил, 8 % ёғ, ва 4 % лактоза бўлади. Сут таркиби озуқа билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун эмизадиган итларнинг талаби тинч ҳолатдагига нисбатан юқори бўлади. Тўйимлилик моддалар ва энергиянинг камлиги рационда сутдорлик ва сут таркибига салбий таъсир кўрсатади. Тўққандан кейин 6 соат давомида озуқа берилмайди, лекин доимо олдида тоза сув бўлиши зарур. Кейин 2 кунда озуқани кўп бермасдан бир меъёрда бир кунда 5-6 марта берилади. Бу даврда энг яхши озуқа гўштли бульон, гуручли, кашали ёки крупали суюқ суп ҳисобланади. Кам микдорда сутга ивигилган оқ нон берилиши мумкин. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Тўққандан 4 кун ўтгач қўйидаги структура бўйича рацион тузилади: Гўшт (ёғи кам 2 категория) - 45 %, крупа- 35 %, нон 10 %, сут 5 %, картошка ва сабзавот 5 %. Рационга суяк уни, бўр, балиқ уни, сабзавот, кўкат ва витамин препаратлари ҳам қўшилиши мумкин. Тукқан ит 1 кунда 3 марта озиклантирилади. Озиканинг ҳарорати +300 - 350С бўлиши керак. Агарда

витамин С етишмаслиги намоён бўлса 1 кунда 1 марта аскарбин кислотаси берилади.

Ёш итнинг ўсиш ва ривожланиши сут эмишнинг охиригача аиникса 2 ҳафталикгача озиқлантиришга боғлиқ. 2 ҳафталикгача асосий озуқа онасининг сути ҳисобланади. Биринчи ҳафтасида 1 кунда 12 марта, 2 - чи ҳафтада 8 марта онасидан ажратишда 4-5 марта эмади. Она сути кам бўлса 1 ҳафталик ёшидан қўшимча озиқлантирилади. Сигир сути 27-30 г қиздирилиб, 0,5 л сутга 1 та хом тухум аралаштирилиб берилади. 2 ҳафталикдан бошлаб янги хом гўшт фарш ҳолатида 15-20 г берилиб, кейин кўпайтирилиб берилади. 3 ҳафталигида 40-50 г гўшт, 4 ҳафталигида 100 г гўшт онасини эмгандан сўнг берилади. 3 ҳафталигидан бошлаб омукта озуқа (гўшт, сут, каша) суюқ ҳолида берилади. Каша аввало 30-50 г, аста секин 200-250 г га етказилади. Озуқа бир кунда 3-4 марта берилади. Шу ёшдан бошлаб сув берилади. 4 ҳафталигидан гўштли бульон ёки суп, майда кесилган пиширилган гўшт, оқ нон, творог, сабзавот ва кўкат берилади. Ёш кучукларни онасидан ажратиш 5 кун мобайнида 6-7 ҳафталигида амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан кейин қатъий меъёр асосида озиқлантирилади.

Ёш итлар фақатгина янги тайёрланган озукалар билан озиқлантирилади. Ёш итлар 2 ойликгача 6 марта, 2 - 4 ойликгача 5 марта, 4 - 5 ойликгача 4 марта, 5 - 6 ойликда 1 кунда 4 - 3 марта озиқлантирилади. 7 ойликдан бошлаб катта итлар рационига ўтказилиб бир кунда 2 марта озиқлантирилади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Хизматдаги итлар бирор бир ишни бажариш учун хизмат қилмайдиган итларга нисбатан қўшимча тўйимлик моддалар талаб қилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар структураси тахминан қуйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп маҳсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г бериладиган экан. Ҳафтанинг 3-4 кунда хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Итларни озиқлантиришда ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган озукалардан фойдаланилади.

## Итларга бир кунда бериладиган асосий озуқалар меъёри.

- жадвал

| Озиқавий<br>маҳсулотлар ва<br>қўшимчалар | Катта<br>ёшдаги<br>итлар | Ёш кучуклар     |                  |               |                  |
|------------------------------------------|--------------------------|-----------------|------------------|---------------|------------------|
|                                          |                          | 1-ойлик<br>гача | 1-3ойлик<br>гача | 3-6<br>ойгача | 6-ойдан<br>катта |
| Гўшт ва ичак                             | 100-400                  | 30-50           | 60-150           | 160-150       | 350              |
| Қорин                                    | 300                      | 50-150          | 200              | 200-300       | 100              |
| Сут                                      | 1000                     | 10-20           | 400              | 60-100        | 200              |
| Творог                                   | 200-500                  | 30-50           | 30-50            | 120-150       | 2000             |
| Куруппа                                  | 200-400                  | 20-30           | 60-100           | 70-100        | 150              |
| Нон                                      | 200-300                  | 20-30           | 30-50            | 100-120       | 150              |
| Картошка                                 | 100-200                  | 20-30           | 40-100           | 80-100        | 100              |
| Забзавотлар                              | 80-100                   | 1-3             | 40-70            | 4-6           | 10               |
| Ҳайвонлар ёғи                            | 20-25                    | -               | 3-4              | 25-40         | 50               |
| Гўшт-суяк уни                            | 50-100                   | 2-4             | 10-20            | 10-13         | 15               |
| Суяк уни                                 | 10-15                    | 0,5             | 5-10             | 3-5           | 8                |
| Балиқ ёғи                                | 10-15                    | 0,5-1,0         | 1-3              | 2-4           | 6                |
| Ачитқи                                   | 5-10                     | Кунаро          | 1-2              | -             | -                |
| Товуқ тухуми                             | -                        | 0,5             | Кунаро           | 5-8           | 10               |
| Ош тузи                                  | 10-15                    | -               | 3-5              | -             | -                |

Ҳайвонлардан олинадиган озуқалардан ёғсиз гўшт (от, қорамол, қўй, чўчка, ёввойи ҳайвонлар, парранда, кемирувчи, денгиз ҳайвонлари, ит, қорамол ва бошқа турдаги ҳайвонлар эмбрионлари). Жигар, буйрак, ўпка, юрак, мия, тил, талоқ, корин, диафрагма, кекирдик, елин, оёқ, дум, лаб, ҳайвонлар қулоғи, хом ёки пишириб берилади.

Бундан ташқари итларга суяк, ҳайвонлар қони, гўшт ва суяк уни берилади. Катта ёшдаги итлар рационидида гўштнинг салмоғи 25-30 % дан кам бўлмаслиги керак. 2 даражали маҳсулотлар ўпка, корин ваҳокозолар 30 %дан ошмаслиги керак. Итларга сут (сигир, эчки, қўй, бия сутлари), сут маҳсулотлари (творог, қатик, пишлок, сметана, сариёғ), сут қолдиқлари (обрат, зардоб) тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотлари катта ёшдаги итлар рационидида талаб қилинадиган энергияга нисбатан 3-5 % ташкил қилади.

Итларга балиқ, балиқ қолдиқлари, балиқ ёғи, тухум, ҳайвонлар ёғи берилади. Булар рационда 3 % атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардан олинадиган озуқалардан бошоқликлар уни, нон, крупа, сабзавотлар, илдиз мевалиликлар берилади. Уларнинг салмоғи 60-70 % ни ташкил этади. Қўшимча озуқалардан

ачитки, витамин препаратлари, суяк уни, нордон фосфотли калций, глицерофосфат, бўр, тухум қобиғи, ош тузи, микроэлемент тузлари берилиши зарур.

Одамни қолдирилган изидаги ҳиди бўйича излаб топишга ўргатиш кўникмаси махсус дрессировкани асоси бўлиб ҳисобланади. Итда изни ҳидлашга мойиллик ва умуман ҳидлаш орқали топиш туғма реакция бўлиб ҳисобланади. Итлар мустақил изларни топишга тайёр ва қолдирилган излардаги ҳиди бўйича одамни ҳаракат йўналишини бетўхтов қизиқиб топишни билиши керак. Яхши тайёрланган хизмат итлари кўринмайдиган ҳидли излар бўйича одамни топиши ноёб бўлиб ҳисобланади. Шартли қўзғатувчилар сифатида қуйидаги буйруқлар ҳисобланади: асосийси “из”, ёрдамчи “ҳидла”, “яхши” ва имо-ишора. Асосий шартсиз қўзғатувчи ёрдамчи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари итнинг хулқ-атворини индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда шартсиз қўзғатувчилар сифатида озуқа, апортировка буюми, ўргатувчини ўзи ҳам бўлиши мумкин. Бу кўникмага, ит апортировкага, апортировка буюмини топишга, уни ўргатувчига олиб келиб беришга, нарсаларни ҳидлаб ажратишга яхши ўргатилгандан кейин ўргатилиши мумкин. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Итни издаги ҳид билан ишлашга ўргатиш учун дрессировкачи (ўргатувчи)ни олдиға қуйидаги асосий вазифа қўйилади: итни ёрдамчи қолдирган изнинг ҳидига ўрганиб олишға мажбурлаш керак, яъни “итни изға қўйиш”. Бунинг учун дрессировка усулини тўғри танлаш ва итнинг диққатини издаги ҳидға жалб этиш керак.

Итнинг индивидуал хусусиятларини инобатға олиб, одамни изидаги ҳиди бўйича топиш учун дастлабки ҳар хил ўргатиш усулларини қўллаш мумкин. Улардан кенг тарқалганлари қуйидагилар:

- итнинг ғашига тегмасдан ёрдамчини изи бўйича қидириш;
- итнинг ғашини келтирмасдан ёрдамчини изи бўйича қидириш;
- ўргатувчини изи бўйича апортировка буюмини қидириш.

Агар ит юқоридаги усуллар билан дрессировка қилинмаса, унда бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин:

- озуқани олиб кетган ёрдамчини изи бўйича қидириш;
- ёрдамчи билан кетган ўргатувчини изи бўйича қидириш.

Биринчи машғулотларда қуйидаги шартларни инобатға олиш керак:

- машқни тонг сахар, чалғитадиган нарсалар бўлмаган ўт ўсган, табиий пистирмалар бўлган майдонларда ўтказиш керак;
- итнинг умумий аҳволи қониқарли бўлиши керак;

- изни шамол эскан томондан қолдириш;
- қолдирилган из ўргатувчига маълум бўлиши керак, яъни изнинг бошланиш ва тугаш жойини ҳамда ёрдамчини ҳаракат маршрути маълум бўлиши керак;
- машқ ўтказиш жойи итга олдиндан маълум бўлмаслиги керак, шунда ит ҳид билиш органларидан фойдаланади;
- қишда ўргатиш қор ёққандан кейин олиб борилади, қолдирилган из муддати бўлиши керак.

Бу усул ўртача ва кучли жағли итларда қўлланилади, улар қизиқиб ёрдамчини ушлашга беради. Танланган майдонда дарс раҳбари ўргатувчи ва ёрдамчига вазифа беради, унда изни бошланғич нуқтасини, маршрутини ва яқунлаш жойини белгиланади, изнинг узунлиги 200-250 метр. Ёрдамчи махсус кийим кийиб устидан ёпинғични ташлайди. Ёрдамчи изни тўғри қолдиргандан кейин ўргатувчи итни сайр қилдириб шу томонга олиб боради, изга 10-15 метр қолганда имо-ишора билан издан ўтиб кетиш вақтида “из” деган буйруқни беради ва унга “ҳидла” буйруғини қўшиб айтади. Агар ит изни бирданига олса ўргатувчи уни “яхши” буйруғи билан рағбатлантиради. Тасмани бўш қўйиб орқасидан ҳаракат қилади ва ҳар сафар “из”, “яхши”, “из” деган буйруғини бериб боради. Изнинг охирида итга ёрдамчини махсус кийимини титкилашга рухсат берилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Ҳар бир дарсда узунлиги 200-250 метр бўлган қолдирилган изда 1-2 маротаба ишлаш керак, интервал 30-40 минут бўлиши керак.

Машқларни ўтказиш вақтида “из” буйруғи ёрдамчини изидаги ҳиди бўйича топишга сигнал бўлиб қолади.

Итни издаги қолдирилган ҳид билан ишлашга ўргатиш усулларини қўллаганда қуйидаги қоидаларга қатъият билан риоя қилиш керак:

- ўргатувчи ёрдамчи қолдирилган изларни диққат билан кузатиши керак;
- ҳар битта изни охиригача бориб итга ёрдамчининг махсус кийимини титкилашга имконият бериш керак. Бу итни из билан ишлашни жонлантиради;
- дарс вақтида ўргатувчига малакали инструктор ёрдам бериши керак.

Юқорида келтирилган одамни қолдирган изидаги ҳиди бўйича қидириш усули хизмат итларни тайёрлашда асосий усул бўлиб ҳисобланади.

Апортировка буюми билан яхши ишлайдиган итларни ўргатувчини изи бўйича апортировка буюмини қидиришга ўргатиш мумкин. Ўргатувчи бу машқни ўтказиш учун тўғри келадиган майдон топиб итни дарахтга боғлайди. Шундан кейин апортировка буюмини олиб ит билан ўйнашни бошлайди, лекин уни ушлатмайди. Итни кераклича қўзғатиб ўргатувчи ундан узоқлашиб 75-100

метр масофага изини қолдиради. Охирги нуқтага бориб буюмни очик қолдиради ва изи бўйича орқага қайтади. Ўргатувчи итга яқинлашгандан кейин “апорт” буйруғини беради ва унга қўлида нарса йўқ эканлигини кўрсатади. Шундан сўнг итни бўшатиб қўли билан изни кўрсатиб “из” деган буйрукни 2-3 марта қайтариб беради ва итни из бўйича олиб боради. Охирги нуқтага келгандан кейин итни буюмга яқинлаштиради, у буюмни олгандан кейин “бер” деган буйрукни бериб уни олади ва итни рағбатлантириб сайр қилдиради. Ҳар бир машғулотда бу машқ 2-3 марта қайта қилинади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Юқорида келтирилган дрессировка усули энг фойдали бўлиб ҳисобланади, чунки итда “ҳидла” ва “из” буйруғига шартли рефлекс нисбатан тезроқ ҳосил бўлади. Агар бу усулга кирган барча элементларга тўғри амал қилинса ит 3-5 кун ичида ўргатувчининг буйруғига асосан изни ҳидлаб олишни бошлайди. Эгасининг изи бўйича итда асосан “ҳидла” буйруғига шартли рефлекс ҳосил бўлади.

Айрим ўргатувчилар итни ўргатиш учун олдиндан ҳайвонни жахлини чиқарган ёрдамчидан бошлашни афзал кўрадилар. Бу усулда қаттиқ кўзғалганлиги учун ит из билан ишлашга қийналади. Бунда одатда у изни ҳидламасдан ёрдамчини кўзи билан топишга ҳаракат қилади. Агар ит кўзғатувчини изини аниқ ва қизиқиш билан топса унда “из” буйруғи билан ва изидаги ҳид оралиғидаги алоқа ҳосил бўлади, шундан сўнг бегона излар билан ишлашга ўтиш мумкин. Бунинг учун ўргатувчи танланган майдончага итни боғлайди ва уни олдига етолмайдиган қилиб апортировка буюмини қўяди. Ёрдамчи пистирмадан чиқиб секинлик билан итнинг олдига яқинлашади. Шундан сўнг буюмни олиб ит олдида силкитиб уни кўзғатади ва 200-250 метр из қолдириб кетади. Изнинг охирини бир оз айлана қилиб буюмни қўяди ва ўзи пистирмага яширилади. Ўргатувчи итни бўшатиб бошланғич нуқтага олиб келиб ўтқизади. Тасмани тўғрилаб “ҳидла” буйруғи берилади ва ўнг қўли билан изни кўрсатади. Ит ҳидни олиши билан ва из бўйича ҳаракатланса, ўргатувчи “из” буйруғини беради. Ит ёрдамчига яқинлашганда у қочади, ўргатувчи “фас” буйруғини бериб итни ушлашга қўйиш юборади. Ушлаш вақтида ёрдамчи ва ит орасида кураш саҳналаштирилади, шундан сўнг ёрдамчи итдан бўшаб қочади ва иккинчи, биринчисига ўхшаш из қолдиради. Ёрдамчи ўзини панага олгандан кейин иккинчи марта из бўйича қўйиб юборилади. Бу ҳаракат машқ давомида 2-3 марта қайтарилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Ўргатишнинг биринчи ойдан изни кескин чигаллаштиришга йўл қўймаслик керак. Изларни шаклини ўзгартириш билан мураккаблаштириш аста-секин киритилиб борилади. Оддий шароитда ит бегона излар билан нисбатдан қизиқиб ишласа аста-секин қўшимча мураккаблик киритилади. Изнинг масофаси 500 метр гача кўпайтирилади ит изга 5-10 минутдан кейин юборилади. Изни шакли ва бурчакларни характери ўзгартирилади. Ёрдамчи изларни бурчак ва кайрилишларида ҳар хил буюмларни қўйиб чиқади, улар ўргатувчига итни тўғри ишлашни назорат қилишга ёрдам беради. Излар бошидан охиригача талабчанлик билан назорат қилинади. Агар ит биринчи пайтларда буюмни ёнидан чошиб ўтса ўргатувчи “апорт” буйруғини буюмни олишга мажбурлайди, шундан сўнг итни рағбатлантиради. Ўргатишнинг биринчи ойда итни тайёргарлигига нисбатан аста-секинлик билан бошқа қийинчиликлар: изни масофасини кўпайтириш, муддатли, шакли ўзгартирилган киритиб борилади. Излар 15 минут муддатгача ва 600 метр масофага қолдирилади. Шу даврда ўргатувчи, айниқса ит издаги бурчаклар билан аниқ ишлашига эътибор беради, бурчакка етганда итни тасма билан ушлаб уни ўтиб кетишини олдини олади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Изда итни бошқарганда ўргатувчи бурчакларда ўтиб кетиш учун махсус шароит яратади. Итга мақсадли хато қилишга имконият беради. Агар ит бурчакдан кейин из бўйича нотўғри ҳисобланса тасма ёрдамида бурчакка қайтарилади ва из бўйича йўналтирилади. Ўргатувчи шуни билиш керакки итни бурчак олдида тез-тез тўхтатиш, унда тасма билан ушлаб туришга ёқимсиз алоқани ҳосил бўлишини келтириб чиқаради. Ўргатувчи томондан ҳаракат тезлигини ҳар қандай пасайтирилиши итнинг бирор қанақа бурчаксиз ён тарафга ўз-ўзидан бурилишига олиб келади. Бундай салбий ҳаракатни ит томондан олдини олиш учун из билан ишлаш вақтида итни тўғри чизик бўйича ҳаракатланганда ҳам тўхтатиб олиш керак. Бу усул итда кераксиз алоқани ҳосил бўлмасликни тарбиялайди ва унда тезроқ ҳақиқий бурумлардаги бурчакларни ажратиб олишни ишлаб чиқаради. Агар ит “ҳидла” ва “из” буйруғидан сўнг ўзи изни бошланғич нуқтадан топиб ва уни бурчаклари билан тўғри ишласа, итни изнинг бошланғич нуқтасига (топиш учун) ҳар хил бурчаклардан қўйиб юбориш тавсия қилинади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф. Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А. Хасанов, 1990).

Бу усул қуйидагича амалга оширилади:

Ўргатувчи изнинг бошланғич нуқтасига бир неча қадам етмасдан итни “ҳидла” ва “из” буйруқларини ишора билан боғлаб ўнг қўлини бошланғич нуқта томон кўрсатиб изга қўйиш керак. Ит изни топиш билан шу заҳотиёқ “ҳидла”,

“из” буйруқлар берилади ва изни охиригача ишлаш давом эттирилади. Агар ит изни бошланғич нуқтасига тушмаса ўргатувчи йўналтиришга ёрдам бериб итни орқасидан ҳаракат қилади. Шу вақтда итда мустақил изни йўналишини топиш ишлаб чиқилади. Бунинг учун ит изни ўртасига перпендикуляр кўшиб юборилади. Ўргатишни бошланишида итни изни топиш учун енгил эгасидан шамолда кейинчалик ёнбошдан ва қарама-қарши шамол бўлганда ҳам ишлаш мумкин. Шамол шароитида ит қийналса унга етарлича ёрдам кўрсатиш керак. Аста-секинлик билан изни шаклини қийинлаштиришни киритиб бериш, масофаси ва муддатини кўпайтириш, итни ишига шамолни таъсирини инобатга олиш билан ўргатувчи бошқа қийинчиликлар тўғрисида ҳам унутмаслиги керак, яъни жойни ҳарактерини ўзгартириш (очиқ, ёпиқ, унқир-чунқир) ҳидларни компонентларини ўзгартириш, бунинг учун излар ҳайдалган, ўрилган ерда қолдирилади, об-ҳавони ҳар хил шароитларида ва сутканинг ҳар хил вақтида (эрталаб, кечқурун, кундузи) из билан ишлаш амалга оширилади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Ўргатувчи бу қийинчиликларни инобатга олиб итни тайёргарлигига қараб киргизиб бориш керак. Агар ит ёрдамчини изи билан 1 км масофагача тўғри ва бўйин товламасдан ишласа бурчакларини тўғри топса, унда изни ҳар хил бурчакларда кесилиши киритилади. Амалда бу қуйидагича бажарилади: асосий ёрдамчи унга кўрсатилган йўналиш бўйича из қолдиради, шу заҳотиёқ бошқа шахсни излари билан кесишади. Шундан 10-15 минут кейин ўргатувчи из бўйича итни кўйиб юборади ва итни, айниқса у излар кесилган жойга борганидан кейин диққат билан кузатади. Агар ит бошқа ёрдамчини изига ўтса ўргатувчи уни кесим чизиғида ушлайди ва ўргатувчи тақиқловчи буйруқни беради ва ит қидирилаётган изга йўналтирилади. Кейинчалик гуруҳли излар кесилишини киритиб бориш керак. Асосий из иккита қарама-қарши келаётган одамларни изи билан кесишади. Излар сув билан тўлдирилган кичик ариқ, дарёчалар орқали қолдирилади. Сув тўсиғига келгандан кейин ит мушкул аҳволга тушиб қолади ва бир жойда айналиб қолади. Бундай ҳолатда ўргатувчи итни қарама-қарши қирғоққа ўтказиб мустақил изни топишга имкон беради ва у билан охиригача ишлайди. Бундай излар билан ишлаш бир неча бор такрорланса ит кейинчалик бемалол, албатта ўргатувчининг ёрдами билан, тўсиқли излар билан ишлайди(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990)..

Назорат излар (оддий, мураккаб) билан итни ишлашга ўргатиш жараёнида ўргатувчи жуда диққат билан итни из билан ишлаш ҳаракатини кузатади, чунки ит аста-секин кўр излар билан ишлашга текширилиб кўрилади. Бошланишда кўр излар оддий шароитда қолдирилади, кейинчалик иш қийинлантирилади, яъни бир гуруҳ одамлар қолдирган издан излаётган одамни топиш. Кўр из – бу дарс раҳбари топшириғи бўйича қолдириладиган из. Ўргатувчи бу из қаерда ва қандай қолдирилганлигини билмайди. Бундай из бўйича ит юборилгандан кейин у билан ёнма-ён раҳбар ҳаракат қилади, агар ит хато қилса ўргатувчи орқали уни тўғрилайди. Ўргатувчини вазифаси бундай ҳолатда итга халақит бермаслик ва унга тўлиқ из билан ишлашга мустақиллик бериш. Бундай кўр излар билан ит қанчалик издаги ҳид билан тўғри ишлаши текширилади. Агар ит оддий шароитда нисбатан кўр излар билан ёмон ишламаса унда итни мураккаблашган шароитда ҳар хил ҳидлар билан ишлашга ўтказилади. Бунинг учун бурчакли ва кўп йўналишли изларни излаб топиш киритилиб борилади. Бунда битта асосий издан бошқалари ҳар томонга йўналтирилса, шулар орасидан асосий изни ҳиди бўйича топиш амалга оширилади. Бошида бу назорат из бўйича ишлатилади, кейинчалик ит кўр изларни топишга ўтказилиши мумкин. Ит кўп йўналишли излар билан иўлаган вақтда унга атайин эркин ҳаракатланиш тавсия қилинади, бу бошида хатоларга олиб келади, у асосий издан бошқа изларга ўтиш ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолатларда ўргатувчи итга керакли изни топишга ёрдам бериши мажбур. Кўп йўналишли излар билан ишлашда яхши натижага эришиш учун уларни бошланғич нуқтага яқин қолдириш керак, ўргатувчини кўриш майдони 300-500 метр масофасида, бу назоратни яхши олиб бориш ва ўргатувчи томондан итни тўғри бошқаришга ёрдам беради. Лекин изни тарқалиб кетиш бурчагини бошланғич нуқтага яқин қилмаслик керак, чунки қисқа масофада ит асосий изнинг ҳидини яхши ололмайди ва унда ҳидни эслаб қолиши пасаяди ва бошқа ҳидлар билан таққослаб ажратиш қийинлашади. Шундай қилиб ўргатувчи итдан бўйин товламасдан ва хатосиз мураккаб излардаги ҳидлар бўйича ажратиб олишга эришади(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Бу кўникма итни сезги билан ишлаш умумий комплекс элементларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шартли қитиқловчилар: “из” ва “ҳидла” буйруқлари.

Ёрдамчи ўргатувчи ёки дарс раҳбари кўрсатмаси бўйича майдонда 200-300 метр из қолдиради, шундан 5-10 минут кейин бошланғич нуқтадан ит қўйиб юборилади. Ит из билан ишлаб ёрдамчига етиб боргандан кейин унга қониқиш учун ёрдамчининг ёпинғичини титкилашга рухсат берилади. Ёрдамчи ит билан

курашиш вақтида пайтини пойлаб қочади, яна тахминан шу масофага (250-300 м) ва олдиндан тайёрланган бир гуруҳ одамлар орасига туради. Иккинчи марта из бўйича қўйиб юборилган ит турган одамларга яқинлашгандан кейин ўргатувчи томонидан бир оз тўхтатиб турилади. Ит одамларга яқинлашиб боргандан кейин унга “ҳидла” буйруғи берилади. Ит қаторда турган одамларни бирма-бир ҳидлайди ва унга маълум бўлган издаги ҳидни топиб ёрдамчининг ёпинғичидан тишлари билан ушлаб тортиб қатордан чиқаради. Шунинг эса сақлаш керакки, қаторда турганлар ит яқинлашганидан кейин ҳаракат қилмаслиги керак. Ит одамни бевосита из бўйича топишда ўргатувчи итни бошқариб туради, агар у хато қилиб бошқа одамни ушласа тақиқлашни кучайтиради. Агар ит қаторда турган одамларни ҳидлаб, излаётган ҳидни тўғри топса у ўргатувчи томонидан “яхши” буйруғи билан рағбатлантирилади. (Б.Д. Нарзиев, 2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992; Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; Р.А.Хасанов, 1990).

Айрим жахлдор итлар қаторда турган ёрдамчига ташланади, бундай ҳолатда ўргатувчи тақиқловчи буйруқни беради. Шунинг таъминлаш керакки ит одамлар орасидан одамни хотиржамлик билан топиши керак. Ит излаётган одамга яқинлашгандан кейин уни хуришга ўргатиш керак, агар ит ҳидлаш вақтида ёрдамчига ташланиб уни ушламоқчи бўлса, ўргатувчи тасмани силтаб тортиб, бу ҳаракатни тақиқлайди, итни ўтқизиш унда хуришни чақиради. Агар ит тўғри ва хотиржамлик билан ёрдамчини 250-300 метр масофадаги издан топа олса, аста-секин масофа узайтирилиб одамлар сони ҳам кўпайтирилиб борилади ўргатувчи томонидан итга ёрдам камайтирилиб борилади. Айрим итларга одамларга яқинлашганда бурундикни кийгизиш тавсия қилинади.

Одамни нарсаси бўйича топиш машқини ит одамни изи бўйича топишни ўргангандан кейин киритиб бориш тавсия қилинади. Олдин ўргатиш оддий шароитда олиб борилади. Услуг томондан бу қуйидагича амалга оширилади: раҳбарнинг кўрсатмаси бўйича махсус ёпинғичларга кийинган ёрдамчилар 3-4 киши бўлиб бир қаторга турадилар. Уларнинг ораси 1 метр бўлиши керак, чунки одам орасидан бемалол ҳаракатланиб уни ҳидлаш керак. Қаторда турганларни биттаси унга тегишли (қўлқоп, телпакни) нарсани олиб юборади, ундаги ҳид бўйича ит одамни топади. Ўргатувчи ташланган нарсани олдида итни олиб келиб, “ўтир” буйруғини бериб уни ўтқизади, ўнг қўли билан жуда секинлик билан нарсани олиб итга ҳидлатади ва шу заҳотиёқ “ҳидла” буйруғини беради. Шундан сўнг нарсани ўзини орқасига ерга қўяди ва ўнг қўл ишораси билан ва “ҳидла” буйруғини бериб итни турган одамлар томонга йўналтирилади. Биринчи навбатда ит ажратмаслиги мумкин ва турган одамларни ҳидлаб кетишга ҳаракат

қилади. Бундай шароитда топиши керак бўлган ёрдамчи ёпинғичини қимирлатиб қўяди. Шунда ит ўз эътиборини ёрдамчига ўтказиб уни ёпинғичидан ушлайди. Бундай ҳолатда ўргатувчи итни рағбатлантириб “яхши” буйруғини беради, тасмани тортиб ёрдамчини қатордан чиқаради. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Ёрдамчи қатордан чиқарилгандан кейин унга “тўхта” буйруғи берилади ва у бир жойда туриб ҳаракатини тўхтатади. Ўргатувчи итни ёрдамчидан олиб четга ўтқазади, ёрдамчи бўлса шу пайт қатордаги жойини алмаштириб туради. Ўргатувчи итга олдинги нарсани ҳидлатиб “ҳидла” буйруғини бериб иккинчи марта топишга юборади. Ит ёрдамчини ёпинғичини титкилагандан кейин унга маълум бўлган ҳид бўйича топиш осонлашади, шунинг учун иккинчи марта бу жараён тўғри кечади. Агар ит хато қилиб бошқа ёрдамчига ташланса, унда ўргатувчи таққовчи буйруқни юқори товуш билан бериб унинг ҳаракатини тўхтатади ва уни керакли томонга йўналтиради. Итда бу кўникма яхши ҳосил бўлиш учун ҳар дарсда 2-3 маротаба қайтарилади. Кейинчалик шароит қийинлаштирилиб одамлар сони 5-6 тага етказилади, улар орасидаги масофа қисқартирилади ва ит ёрдамчини ўтирган, ётган ҳолатдаги одамлар орасидан топишга юборилади, ўргатувчи томонидан ёрдам камайиб борилади. Агар ит тинч ва хатосиз одамни нарсаси бўйича топса кейинчалик у тасмадан бўшатилиб машқни эркин бажаришга юборилади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Итни топилган ёрдамчига хуришни ўргатиш мумкин, бу қуйидагича бажарилади:

Ит топиши керак бўлган ёрдамчига яқинлашгандан кейин ва уни ёпинғичидан ушламоқчи бўлса, ўргатувчи тасмани силтаб тортиб “ўтир” буйруғини юқори товуш билан бериб итни ўтқизади. Ит қўзғалган бўлганлиги учун хуришни бошлайди, ўргатувчи хуришни ширинлик бериб мустаҳкамлайди, итни топилган ёрдамчининг қаршисига ўтқизиб, сийпалаб “яхши” буйруғини беради. Кейинчалик ит топган одамнинг қаршисига ўтириб ва хуриш билан у томонга кўрсатади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Хизмат итларини қўлланишининг бир тури бу автоуловлар, авиатранспорт воситаларини тинтув қилишга ўргатиш ҳисобланади. Шунинг учун итда одамни ва нарсаларни топишни фаол, қизиқувчан ва ташкилий кўникмаларни ҳосил қилдириш керак.

Шартли қўзғатувчилар: асосий буйруқ “изла” ва ўнг қўлни керакли тарафга йўналтириш ишораси ҳисобланади.

Ёрдамчи буйруқ: “апорт”, “яхши”, “бер”, “фу”.

Шартсиз кўзгатувчилар сифатида апортировка буюми, ширинлик ва ёрдамчидан фойдаланилади.

Нарсалар ва одамларни қидириш кўникмалари итда олдин ҳосил бўлган апортировка ва ёрдамчини ушлаш кўникмалари асосида ишлаб чиқилади. Итда апортировка, баджаҳллик, кўриқлаш ва одамни изидаги ҳиди бўйича топиш ишлаб чиқилгандан кейин ўргатишни бошлаш мумкин.

Портловчи моддалар деб, маълум бир ташқи таъсиротлар остида ўзидан катта тезлик, катта миқдорда иссиқлик, сиқилган ва қизиган газлар ажратувчи кимёвий бирикмалар ёки аралашмалар таъсирида юзага келадиган кимёвий реакцияга айтилади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Экзотермиклик, кучли газ ҳосил қилинишининг юқори тезликдаги жараёни портлашнинг кимёвий хоссасини тавсифловчи асосий факторлар мажмуасидир.

Портловчи модда билан муомала қилиш хавфсизлиги унинг ташқи кучларга бўлган таъсирчанлиги ва минимал энергия миқдорида қараб белгиланади. Портловчи моддаларнинг таъсирчанлиги қуйидагиларга бўлинади: иссиқлик, механик таъсирлар ва шунингдек бошқа портловчи моддалар зарядининг портлашига таъсирчанлиги. Портловчи моддаларни сақлаш даврида унинг физикавий ва кимёвий хоссаларини сақлаб қолиши, яъни турғунлиги муҳим аҳамиятга эга. Портловчи модданинг турғунлиги унинг турига, тайёрланиш технологиясига ва бошқаларга боғлиқ.

Хизмат итида ўргатувчининг буйруғига шартли рефлекс ишлаб чиқарилгандан сўнг хизмат ити бошланғич портловчи моддани қидиришга ва топишга ўргатилади. Бунда биринчи машғулот енгиллаштирилган шароитда ва кейинчалик қийинлаштирилган ҳид киргизиш йўли билан бошланади. Биринчи машғулот портловчи модданинг ҳидини киргизиш бўйича махсус ажратилган хоналарда бошланади. Бу хоналар махсус дифференция-лаштирилган яшиклар билан жиҳозланган бўлиш керак. Ҳид киргизишда кетма-кетлик қоидасига риоя қилиш керак ва қийинидан енгил йўлига ўтказиш қоидасига амал қилиниши керак. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Портловчи модда олиниб, уни дифференцияланган яшикка қўйилади ва ўргатувчи хизмат итига апорт буюминини кўрсатиб уни қизиқтиради ва яшикдаги портловчи модданинг ёнига беркитади. Шундан сўнг хизмат ити излаётганда

ўргатувчи хизмат итини мактаб, рағбатлантириб туради. Бу билан у хизмат итида янада жадалроқ қидиришга қизиқишни ишлаб чиқаради. Хизмат ити томонидан портловчи модда билан бирга қўйилган апорт буюми топилгандан сўнг ўргатувчи итга “ўтир”, “ҳидла” буйруқларини беради ва апорт буюмини олишга ёрдам беради. Хизмат итида ҳид-апорт- портловчи модда йиғмасини қидиришга бошланғич рефлексни ишлаб чиқаргандан сўнг ўргатувчи апорт буюмини қидирувдан чиқариб ташлайди ва макташ йўли билан портловчи моддани топишга ўргатади. (Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).

Кейинчалик махсус жиҳозланган хоналарда, автоулов макетларида, темир йўл вагонларида портловчи моддани беркитиб машғулотлар ўтказилади. Ҳар бир топилган портловчи модда учун хизмат итига мактов сифатида апорт буюми берилади ва макталади, бу билан ўргатувчи хизмат итини портловчи моддани фаол қидиришга қизиқтиради. Енгилдан оғирлаштириш услубига ўтиш қоидаcига риоя қилган ҳолда портловчи модда беркитиш қийинлаштирилади. Шу билан бирга беркитиладиган портловчи моддалар сони кўпайтирилади.

### **2.3.2.Итларда қулоқ касалликлари келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.**

Ҳозирги вақтда итшунослик халқ хўжалигининг турли соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги, хизмат, декоратив, спорт ва махсус итшуносликнинг ривожланишига талаблар янада ошди, чунки бу ҳайвонлар одамларнинг энг яқин ёрдамчиларига айланиб қолган.

Итлардан фойдаланишнинг барча шакллари ва уларнинг одамнинг маънавий дунёсини бойитишдаги ролини ҳисоблаб ўтиш қийин. Итлар халқ хўжалиги объектларини ва шу жумладан чегарани кўриқлашда иштирок этадилар. Хизмат итлари эса Ички ишлар ходимларига жуда катта ёрдам берадилар.

Г.С. Кузнецов (1980), К.И. Шакалов (1981)ларнинг маълумотларига кўра ички юқумсиз касалликлар 80-94 % ни ташкил қилади, улардан 5-7 % бош облаcтидаги касалликларга тўғри келади.

Итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи – қулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади, яъни узоқ вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Қулоқ касалликларидан отитлар кўп ҳолларда консерватив усул билан даволанади, лекин йирингли отитларда

экссудатнинг чиқиши қийинлашганлиги учун кўп ҳолларда жараён ички қулоққа ўтиб, ҳайвонни анча қийин аҳволга солиб қўяди.

Бизлар тажрибалар ўтказиш даврида 2012-2013 йиллар давомида отит касаллиги бўйича статистик маълумотларни йиғиш мақсадида “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармокологияси” кафедраси клиникаси, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги касал ҳайвонларни қайд этиш журналларини кўриб чиқдик ва қуйидаги маълумотни йиғдик . ( 2-жадвал)

**2-жадвал**

| t/p | Ташкилотлар                                                                                                             | Йирингли отит билан касалланган итлар сони ва фоизи |      |          |      |  |  | Ўртача  |      |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|------|----------|------|--|--|---------|------|
|     |                                                                                                                         | 2012 йил                                            |      | 2013 йил |      |  |  |         |      |
|     |                                                                                                                         | сони                                                | %    | сони     | %    |  |  | сони    | %    |
| 1   | Хирургия клиника                                                                                                        | 180/23                                              | 13.7 | 195/27   | 13.8 |  |  | 375/4,7 | 13,3 |
| 2   | Шаҳар вет.бўлими                                                                                                        | 150/21                                              | 14   | 178/30   | 17   |  |  | 328/51  | 15,5 |
| 3   | Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида | 78/12                                               | 16   | 82/15    | 18.2 |  |  | 160/27  | 16,8 |

**Эслатма:** суръатда умумий сони; маҳражида касал ҳайвон сони берилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти хирургия клиникасида 2012 йил 180 та қабул қилинган итлардан 23 тасида ҳар турдаги отит касаллиги аниқланган, бу 13,7 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 195 та қабул қилинган итлардан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 13,8 % ни

ташқил қилади. Хирургик клиникада 2 йил давомида 375 та ит қабул қилинган, шулардан 50 таси отит билан касалланган, бу ўртача 13,3 % ни ташқил қилди.

Шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларидан маълумотлар олинганда бизлар қуйидаги хулосага келдикки, 2012 йилда жами 150 та ит қабул қилинган, шулардан 21 тасида отит аниқланган, бу 14 % ни ташқил қилади. 2013 йилда 178 та қабул қилинган итлар орасида 30 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 17 % ни ташқил қилади. Жами 2 йил давомида Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларида 328 та ит қабул қилинган, шулардан 51 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 15,5 % ни ташқил қилди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидан қуйидаги маълумотлар йиғилди: 2012 йилда 78 та итдан 12 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16 % ни ташқил қилади. 2013 йилда 82 та итдан 15 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 18,2 % ни ташқил қилади. Жами 2 йил давомида питомникда бўлган 160 та итдан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16,8 % ни ташқил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳрида итлар орасида отит касаллиги нисбатан кенг тарқалган бўлиб, 13,3-16,8 % ни ташқил қилди.

Ўтказилган натижалар асосида отит касалликлари хизматчи ит зотлари орасида асосан кўпроқ спанель ва Ротвейлер ўртасида кўпроқ учраши қайд этилди. Қайд қилинган отит касаллиги барча ёшдаги итларда учраши аниқланди.

Отитлар итлар орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб ҳисобланади ва у ҳайвонларга безовталиқ ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Отитларни даволашни тўғри олиб бориш учун уни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Отитларни келтириб чиқарувчи яна бир сабаб бу паразитлар бўлиб, улар ташқи муҳитдан кириб бориб, қулоқ ичидан ажралиб чиқадиган суюқликда яхши ривожланади ва отодектоз касаллигини чақиради.

Паразитлар таъсири натижасида қулоқнинг эшитиш йўлларида яллиғланиш жараёни ривожланади ва бунинг натижасида қизғиш суюқлик тўпланади. Ҳайвон безовталанади, кучли қичиш пайдо бўлади.

Отитларни келтириб чиқарувчи сабабларга яна қуйидагилар киради: қулоқ йўлларига бегона жисмларнинг кириб қолиши, Ўзбекистон шароитида бу ўсимлик қилтиқлари, айниқса шалпанқулоқ итларда баҳор ва куз пайтларида кўп учрайди. Уларнинг кириб бориши натижасида қулоқнинг эшитиш каналида кучли яллиғланиш ривожланади, ҳайвон жуда безовта бўлади.

Айрим ҳолларда итларда отитлар аллергия реакциясидан ҳам келиб чиқади. Итларда аллергия нотўғри озиқлантиришдан, нотўғри даволанишдан келиб чиқади. Бунинг натижасида отитлар ривожланади ва ҳайвонлар кучли азият чекадилар. Аллергияларга ширинлик, ҳаддан ташқари кўп гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш, дори воситалари ва уларни нотўғри қўллашдан келиб чиқади.

Бундан ташқари отитларни келтириб чиқарувчи факторларга итлар қулоғининг анатомик тузилиши, эшитиш каналида олтингугуртнинг тўпланиб қолиши, атрезия, стеноз, ўсмалар ва эндокрин касалликлар бўлиши мумкин.

Олиб борилган текширишлар натижасида бизлар итларда отитлар сабаби қулоғининг анатомик тузилиши ва қулоқда олтингугуртнинг тўпланиб қолиши деб ҳисобладик.

#### **2.4. Итларда қулоқ касалликлари консерватив ва оператив усулда даволаш**

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармокология кафедрасида, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ўтказилди. Материал сифатида клиникага 2012-2014 йиллар давомида олиб келинган йирингли отит билан касалланган итлар бўлиб ҳисобланган, жами 10 бош итдан фойдаланилди. Отит билан касалланган итлар даволаш схемасига қараб икки гуруҳга бўлинади: тажриба ва назорат гуруҳларига, ҳар бирида 5 бошдан.

Биринчи тажриба гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин қулоқ атрофига, қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи қулоқ 3 % ли водород пероксиди билан ювилиб, дока вишневикий-левамикол (50:50) линиментига ботирилиб, қунига 1 марта тампон қулоқ ичига қўйилди.

Иккинчи назорат гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин қулоқ атрофига канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи қулоқ 3 % ли водород пероксиди билан ювилиб, дока синтомицин линиментига ботирилиб, қунига 1 марта тампон қулоқ ичига қўйилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида ҳайвонларнинг клиник белгилари, патологик жараённинг морфологик кўрсаткичлари ва улар қонининг айрим морфологик кўрсаткичлари текширилади.

Тажрибадаги ҳайвонлардан тажрибагача ва тажрибанинг 5-,10 -15кунлари қон олиниб, улар қонидаги айрим морфологик кўрсаткичлар текшириб борилади.

Даволаш ва кузатишлар 15кун давом этиб, бу вақт давомида ҳайвонлар қунига бир марта клиник текширишлардан ўтказилди ва тажрибаларнинг бошида, кузатишларнинг 3,7,10 -15 кунларида улардан қон олиниб морфологик кўрсаткичлари бўйича текшириб борилади.

#### **2.4.1. Қулоқлардан олинган суюқликларни текшириш натижалари.**

Диагнозни асослаш ва қулоқдаги йирингли жараёнларнинг ҳарактерини ўрганиш мақсадида итларнинг йирингли отит билан шикастланган қулоқларидан олинган суюқликда лобаратор текширишлар ўтказилди.

Ташқи кўринишга кўра йирингли отитда қулоқларидан олинган суюқлик сариқ - қукиш, сарғиш - кўкимтир ва кўкиш сариқ рангда эканлиги аниқланди.

Бактериологик текшириш мақсадида қулоқларидан олинган материаллар гўшт пептон - агар муҳида экиб кўрилганда қулоқларидан олинган суюқликда асосан стафилококлар, стрептококлар ва кўк йиринг таёқчаларининг ўсиши кузатилди.

Қулоқларидан олинган суюқликда, бактериологик текширишда микрофлора ҳарактерини аниқлаш билан бир қаторда уларнинг антибиотикларга нисбатан сезгирлиги ҳам аниқланди.

Микрофлораларнинг антибиотикларга сезувчанлиги антибиотиклар шимдирилган қоғоз дисклар ёрдамида аниқланди. Бунинг учун филтр қоғоздан диаметри 6 мм дисклар тайёрланиб уларга антибиотиклар шимдирилди. Экиш учун бир кунлик экмадан бир мл (1 млн/миллиард дона) олиниб, чайқатиш билан Петри косачасига бир хил текисликда ёйилди. Кейин косача қийшайтирилиб, пепетка ёрдамида ортиқча суюқлик олиб ташланди. Стерил пенцит ёрдамида экманинг ҳар жойига турли антибиотиклар шимдирилган дисклар ўрнатилиб, термостатда 35-37°C ҳароратда 18 соат давомида ўстирилди Антибиотикли дисклар атрофидаги ўсиш кузатилмаган жойнинг катталиги ўлчанди. Микроорганизмлар ўсмаган зона бицилин - 3 антибиотики атрофида 19-20 мм, бициллин -5 мм антибиотигида 21-22 мм, канамицинда -22-24 мм, гентамицинда

-21-22 мм, пенцилинда -19-20 мм, тетрациклинда -17-18 мм, стрептомицинда эса 15-17 мм.ни ташкил этди. Атрофида микроорганизмлар ўсмаган жой 20 мм дан кичик бўлган антибиотикларга микрофларалар “кам сезувчан”, ва 20 мм дан катта бўлса “юқори сезувчан” бўлади. Тажрибаларнинг натижаларига асосланиб микроорганизмларнинг сезувчанлиги энг юқори бўлган антибиотик деб канамицинни кўрсатиш мумкин.

Шикастланган қулоқлардан олинган суюқликларни текшириш натижалари шуни кўрсатадики қулоқларидан олинган суюқликда асосан кўпроқ стафилококклар, стрептококклар ва кўк йиринг таёқчалари учраб, уларнинг энг юқори сезувчанлиги канамицин антибиотигига эканлиги аниқланди.

#### 2.4.1. Қулоқдаги клинико-морфологик ўзгаришлари .

Тажрибагача тажрибадаги I ва II гуруҳ итлари клиник кўриқдан ўтказилганда қулоқ атрофи суюқлик аралаш йиринг билан қопланган. Қулоқдан йиринг оқиб турганлиги, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. . Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди.

Тажрибадаги I ва II гуруҳ ҳайвонлари клиник кўриқдан ўтказилгандан кейин, уларга белгиланган даволаш муолажалари ўтказилди. Даволаш муолажалари қўлланилганидан кейин, ҳайвонлар яна қайта клиник кўриқдан ўтказилди. Бунда I ва II гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 3 - кунигача қулоқнинг клинико – морфологик ўзгаришлари деярли бир хил бўлганлиги қайд қилиниб, йирингли отит билан жароҳатланган қулоқ соҳаси шишган, оғриқли флюктуация беради. Итлар қулоқларнинг жароҳатланган жойини авайлаб турибди. Итларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг 1-1,5<sup>0</sup>Сга кўтарилиши, шикастланган қулоқларнинг қарама-қарши оёқ қулоқларга нисбатан таққосланганда катталашганлиги, тери эластиклигининг йўқолиши қайд этилди, қулоқлари катталашган ва қалинлашган. Қулоқларнинг кийинлик билан пайпасланади. Эластиклиги пасайган . Қулоқларнинг ҳаракат қилинганда уларнинг ҳаракати чегараланган ва ит кучли оғриқ сезди. Айрим итларда флегмона очилиб, унинг ичидан суюқ яшил кулранг йиринг оқаётганлиги ва атрофида яллигланишга хос хусусиятли шишлар пайдо бўлганлиги кузатилди, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. . Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди.

Тажриба давомида биринчи гуруҳ ҳайвонлари қулоғидан даволашнинг 3-кунида йиринг оқиши давом этаяпти, итнинг безовта

бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори Қулоқ ичида йиринг камайган. Тажрибанинг 5-куни қулоқ ичида йиринг қолмаган, қулоқ атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган, итларнинг умумий ҳолати ва иштаҳанинг яхшиланганлиги кузатилди, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада. Тажрибанинг 7-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итларнинг умумий ҳолати қониқарли, уларни ҳеч нарса безовта қилмайди. Йирингли экссудатнинг чиқиши тўхтаган. Итларда йирингли отитга хос бўлган белгилар сезилмайди. Бу эса итларни тўлиғича соғайиб кетганлигини кўрсатади.

Даволаш давомида иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қулоғидан даволашнинг 3-кунида йиринг оқиши, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпасланганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори қулоқ ичида йиринг озроқ камайган. Тажрибанинг 5-куни қулоқ ичида йиринг оқиши давом этаяпти, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори қулоқ ичида йиринг камайган. Тажрибанинг 7-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итлар қулоғида йиринг қолмаган, қулоқ атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган, итларнинг умумий ҳолати ва иштаҳанинг яхшиланганлиги кузатилди, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада.

Тажрибанинг 10-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итларнинг умумий ҳолати қониқарли, уларни ҳеч нарса безовта қилмайди. Йирингли экссудатнинг чиқиши тўхтаган. Итларда йирингли отитга хос бўлган белгилар кузатилмади.

Қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўллаш орқали синтомицин линиментига нисбатан фаоллиги тажрибаларда исботланди.

Йирингли отитларни даволашда, канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўллаш даволаш муддати 3 кунга қисқариши аниқланди.

#### **2.4.2. Қоннинг морфологик кўрсаткичлари.**

Тажрибагача тажрибадаги I тажриба ва II назорат гуруҳ итлари клиник кўриқдан ўтказилганда патологик ўчоғидаги жараёнлар тажрибаларнинг бошидаги клиник ва физиологик кўрсаткичларда деярли фарқлар кузатилмади, яъни барча гуруҳдаги ҳайвонларда йирингли отитларга хос клиник белгилар кузатилган бўлса, даволаш давомида фақатгина назорат гуруҳидаги итларда йирингли отитларга хос белгилар: қулоқдан йиринг оқиб турганлиги, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. . Пайпаслаганда оғрик сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди.

Даволашнинг 7-кунларига келиб биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда, яъни қулоқлардаги йирингли жараёндаги микроорганизмларга қарши қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган гуруҳдаги итларда бу клиник белгилар деярли кузатилмади.

5 – жадвал.

Тажрибадаги биринчи тажриба гуруҳ итларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

| № | Кўрсаткичлар            | Биометрик кўрсаткич | Тажриба бошида   | Тажриба кунлари   |                  |                 |                |
|---|-------------------------|---------------------|------------------|-------------------|------------------|-----------------|----------------|
|   |                         |                     |                  | 3                 | 7                | 10              | 15             |
| 1 | Эритроцитлар<br>млн\мкл | $m \pm m$<br>%      | 4,55±0,46<br>100 | 5,10±0,1<br>112   | 5,67±0,12<br>125 | 4,9±1,37<br>107 | 4,45±1,0<br>98 |
| 2 | Лейкоцитлар<br>минг\мкл | $m \pm m$<br>%      | 8,35±0,87<br>100 | 7,25±0,36<br>87   | 7,8±1,53<br>93   | 8,06±0,52<br>96 | 7,74±1,9<br>93 |
| 3 | Гемоглобин<br>Г/л       | $m \pm m$<br>%      | 133±4,11<br>100  | 140,5±4,02<br>106 | 150±2,53<br>113  | 120±2,53<br>90  | 127±3<br>95    |
| 4 | Лимфоцит<br>%           | $m \pm m$<br>%      | 22,8±2,3<br>100  | 19,7±0,7<br>86    | 26,5±2,37<br>116 | 34±2,6<br>149   | 37±6,0<br>162  |

6 – жадвал.

Тажрибадаги иккинчи назорат гуруҳ итларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

| № | Кўрсаткичлар            | Биометрик кўрсаткич | Тажриба бошида   | Тажриба кунлари  |                    |                  |                 |
|---|-------------------------|---------------------|------------------|------------------|--------------------|------------------|-----------------|
|   |                         |                     |                  | 3                | 7                  | 10               | 15              |
| 1 | Эритроцитлар<br>млн\мкл | $m \pm m$<br>%      | 4,65±0,46<br>100 | 4,10±0,1<br>88   | 4,67±0,12<br>100,4 | 4,8±1,37<br>103  | 4,55±1,0<br>98  |
| 2 | Лейкоцитлар<br>минг\мкл | $m \pm m$<br>%      | 8,35±0,87<br>100 | 9,25±0,36<br>111 | 11,08±1,53<br>133  | 9,74±0,52<br>117 | 9,06±1,9<br>108 |

|   |                   |            |                 |                  |                 |                 |               |
|---|-------------------|------------|-----------------|------------------|-----------------|-----------------|---------------|
| 3 | Гемоглобин<br>Г/л | м ± m<br>% | 123±4,11<br>100 | 101,5±4,02<br>83 | 120±2,53<br>97  | 130±2,53<br>106 | 117±3<br>95   |
| 4 | Лимфоцит<br>%     | м ± m<br>% | 23,8±2,3<br>100 | 21,7±0,7<br>91   | 18,5±2,37<br>78 | 24±2,6<br>101   | 25±6,0<br>105 |

Тажрибаларнинг бошида ва тажрибаларнинг 3-7-10 ва 15-кунларида хайвонлардан кон олиниб, морфологик кўрсаткичлари бўйича текширилиб борилди. Даволашнинг бошида иккала гуруҳ йирингли отит билан касалланган хайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичларида айтарли фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усулда даволанаётган назорат гуруҳидаги итлар қонидаги гемоглобиннинг концентрацияси ва эритроцитлар сони даволаш давомида айтарли ўзгармади, яъни эритроцитлар сони тажрибанинг 3 чи кунида 12% га, гемоглобин концентрацияси эса 17 % га камайганлиги қайд қилинди. Лейкоцитлар сони даволашнинг 3-кунига 11 % га кўпайиб, лимфоцитлар сони эса атиги 9 % га камайганлиги кузатилди. Даволашнинг 7 чи кунига келиб эритроцитлар 0,4 % га, лейкоцитлар сони 33 % га кўпайганлиги ва гемоглобин миқдори эса 3 % га, лимфоцитлар эса 22 % га камайганлиги намоён бўлди. Тажрибанинг 10-кунига келиб эса эритроцитлар сонининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3 % га, лейкоцитлар сони 17 % га, гемоглобин концентрацияси 6 % га кўпайган бўлса, лимфоцитлар фоизи эса 1% га кўпайганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги хайвонларда йирингли яллиғланиш жараёнининг кучайиб боришидан далолат беради.

Даволашнинг 15-кунига келиб эса бу гуруҳдаги хайвонлар қонида коннинг морфологик кўрсаткичларининг озроқ камайганлиги кузатилиб, бунда эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га камайганлиги, лейкоцитлар сони 8 % га, лимфоцитлар фоизи эса 5 % га кўпайганлиги кузатилди. (-жадвал).

Кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликга эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги хайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичлари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан даволашнинг 3-кунида эритроцитлар сонининг ўртача 12 % га, даволашнинг 7 чи кунида 25 % га, 10 чи кунида 7 % га ошганлиги ва 15 чи кунига келиб эса 2 % камайганлиги қайд этилган бўлса, гемоглобин концентрацияси даволашнинг 3 - кунида 6 % га, 7 – кунида 13 % га кўпайган бўлса, 10-кунида 10 % га ва 15-кунида 5 % га камайганлиги аниқланди. Бу гуруҳда даволанаётган хайвонларда лимфоцитлар фоизининг физиологик меъёр чегарасида кўпайиши қайд этилиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан лимфоцитлар фоизи эса 7-кунда 16 % га, 10-кунида 49 % га, 15-кунида 62 % га кўпайганлиги аниқланди, лейкоцитлар сони даволашнинг 3-кунида 13 % га, 15-кунида эса 7 % га камайганлиги қайд этилди. ( жадвал).

Юқоридан олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, йирингли отит билан касалланган итларда яъни кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликга эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги итларда яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 10 кун давом этган бўлса, анъанавий усулларга қўшимча вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳида эса 7 кунни ташкил этди.

Олинган маълумотлардан маълум бўладики, турли хил усулда даволанган ҳайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг турлича бўлиши яъни анъанавий усулларга қўшимча равишда вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 15 чи кунига келиб 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га, лейкоцитлар сонининг 7 % га камайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 62 % га кўпайганлиги аниқланди.

## **2.5. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.**

Хозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга, унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини қисқартириш, чорвачилик, соғлом ҳайвонлар подасини ташкил қилиш ётади.

Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг хартамонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу еса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

Хозирги вақтда ҳайвонларда учрайдиган касалликларни, улар натижасида ўлимнинг олдини олиш, соғломлаштириш, даволаш тадбирлар, чорва мажсулотларини нобут бўлишидан зарарни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф килинган: ҳақиқий ва бартараф етилган зарар, ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги, Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. (2004); Гинзбург А.Г. (2005); Попов Н.А. (2005); Шакиров Ф.К.,

Удалов В.А., Грядов С.И. и др. (2006) 1 сўм харажатга самарадорлик ва бошқалар.

Иқтисодий зарар бу ҳайвонларнинг касалликлари билан боғлиқ бўлган зарарни пул шаклидаги ифодаси.

Бартараф етилган зарар бу ветеринария тадбирларини иқтисодий натижасини белгиловчи ва кутилиши мумкин бўлган зарар миқдори.

Ветеринария тадбирларини ўтказиш учун харажатлар – бу уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар миқдори.

Итлардаги жарроҳатларни даволаш учун қуйидаги харажатлар кетади.

1. Бартараф қилинган зарар:

$$Бз = Xc \times Tn - Пм$$

$Xc$  – ҳайвонларнинг сони

$Tn$  – ҳайвоннинг ўртача таннари

$Пм$  – мажбуран сўйилиши ёки сотилишидан олинadиган пул миқдори

$$Бз = 6 \times 200000 = 1200000 - 300000 = 900\,000 \text{ сўм}$$

2. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш:

$$Ис = Бз - Вх$$

$Бз$  – бартараф қилинган зарар

$Вх$  – ветеринария харажатлари – 90000 сўм

$$Ис = 900\,000 - 90000 = 810000 \text{ сўм}$$

3. Ветеринария тадбирининг 1 сўм харажатида иқтисодий самарадорлиги:

$$И = Ис : Вх$$

$$Вх = 90000$$

$$Ис = 810000$$

$$И = 810000 : 90000 = 9 \text{ сўм}$$

Итларда катарал стоматитларни даволашда 1 сум харажатга 9 сўм иқтисодий самарадорлик олинди.

## 2-боб бўйича хулоса

Бизлар тажрибалар ўтказиш даврида 2012-2013 йиллар давомида отит касаллиги бўйича статистик маълумотларни йиғиш мақсадида “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармокологияси” кафедраси клиникаси, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги касал ҳайвонларни қайд этиш журналларини кўриб чиқдик ва қуйидаги маълумотни йиғдик .

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти хирургия клиникасида 2012 йил 180 та қабул қилинган итлардан 23 тасида ҳар турдаги отит касаллиги

аниқланган, бу 13,7 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 195 та қабул қилинган итлардан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 13,8 % ни ташкил қилади. Хирургик клиникада 2 йил давомида 375 та ит қабул қилинган, шулардан 50 таси отит билан касалланган, бу ўртача 13,3 % ни ташкил қилди.

Шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларидан маълумотлар олинганда бизлар қуйидаги хулосага келдикки, 2012 йилда жами 150 та ит қабул қилинган, шулардан 21 тасида отит аниқланган, бу 14 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 178 та қабул қилинган итлар орасида 30 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 17 % ни ташкил қилади. Жами 2 йил давомида Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларида 328 та ит қабул қилинган, шулардан 51 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 15,5 % ни ташкил қилди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидан қуйидаги маълумотлар йиғилди: 2012 йилда 78 та итдан 12 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 82 та итдан 15 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 18,2 % ни ташкил қилади. Жами 2 йил давомида питомникда бўлган 160 та итдан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16,8 % ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳрида итлар орасида отит касаллиги нисбатан кенг тарқалган бўлиб, 13,3-16,8 % ни ташкил қилди.

Ўтказилган натижалар асосида отит касалликлари хизматчи ит зотлари орасида асосан кўпроқ спанель ва Ротвейлер ўртасида кўпроқ учраши қайд этилди. Қайд қилинган отит касаллиги барча ёшдаги итларда учраши аниқланди .

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармокология кафедрасида , шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ўтқазилди. Материал сифатида клиникага 2012-2014 йиллар давомида олиб келинган йирингли отит билан касалланган итлар бўлиб ҳисобланган, жами 10 бош итдан фойдаланилди. Отит билан касалланган итлар даволаш схемасига қараб икки гуруҳга бўлинади: тажриба ва назорат гуруҳларига, ҳар бирида 5 бошдан.

Тажрибадаги итларда қулоқдан йиринг оқиб турганлиги, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. . Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат

юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси кизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди

Йирингли отит билан касалланган итларда яъни қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги итларда яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 10 кун давом этган бўлса, анъанавий усулларга қўшимча вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳида эса 7 кунни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, турли хил усулда даволанган ҳайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг турлича бўлиши яъни анъанавий усулларга қўшимча равишда вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 15 чи кунига келиб 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га, лейкоцитлар сонининг 7 % га камайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 62 % га кўпайганлиги аниқланди.

### **III.боб Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар**

Қулоқнинг яллиғланиши барча зотдаги ва ёшдаги итларда учраб итчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказди . Отитларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари жуда кўп бўлиб , аммо дволаш усуллари қўлланилгандан кейин албатта бирир бир асорат қолади . Кўпчилик муаълифлар томонидан даволашнинг жуда самарали усуллари ишлаб чиқилган ва улар амалиётга кенг қўлланиб келинмоқда.( Day, M. , 1998; David, II. Lloyd.,1999; Koutinas, A.F.,1998; Marolleau, J.,1995; McKee, P.H.1996; Snijdwint, F.Y.M.,1995; Somer, Г.,1995; C.H. Griffin,1995; Tischenko, L.,1996)

Клиник белгиларига қуйидагилар киради: итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши.

Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтирсарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган.

Даволашни қулоқни тозалашдан бошлаш керак, бунда 2 % ли натрий бикарбонат ёки водород пероксидидан фойдаланиш мумкин. Қулоқнинг ичкарисини ювишда юритмалардан (борат кислотаси, калий перманганат, риванол) дан камроқ фойдаланиш керак. Бунинг учун 10 % ли йодоформ эфири яхши натижа беради. Уни қўллаганда эфир парлангандан кейин йодоформ юзасида қолиб ўз таъсирини ўтказди. Бундан ташқари ок стрептоцид ва пенициллин кукунини қўллаш яхши натижа беради. Уларни пуркаш йўли билан қулоқни ичига юбориш керак. Шу дори воситаларини, айниқса пенициллинни қулоқ атрофига блокада учун ишлатиш мумкин.

Ўрта қулоқни яллиғланиши кўпинча йирингли кечади, келиб чиқиш сабаби инфекциянинг ривожланиши ёки атрофдаги тўқималардан тарқалишидан бўлади.

Ўрта қулоқ отида қуйидаги клиник белгилар намоён бўлади, тана ҳароратининг кўтарилиши, итнинг умумий ҳолати сусайган, иштаҳаси йўқ. Бошини оғриган томонга буриб туради. Пальпация қилганда қаттиқ оғриқ сезилади. Йирингнинг таъсирида қулоқнинг ички пардаси тешилади ва ичкарига тарқалади. Бундай ҳолатда касаллик оғирлашади. Йирингли отитларни даволаш комплекс равишда олиб борилади, биринчидан йирингли экссудатни чиқариш керак, бунинг учун водород пероксиди эритмаси билан қулоқ йўллари ювилади ва тампонлар ёрдамида яхшилаб қурилади. Кенг доирада таъсир этувчи антибиотик ва сульфаниламид препаратларни қўллаш керак. Тери остига ва мускул орасига пенициллинни юбориш яхши натижа беради.

И.М. Донник (2006) ни фикрича, ташқи қулоқ отити ветеринария амалиётида кенг тарқалган касаллик бўлиб ҳисобланади. Келиб чиқиш сабабларига қуйидагилар киради: бактериялар-ичак таёқчаси, стрептококклар, стафилококклар, протейлар, псевдомонас, замбуруғлар, кандида, малассезия, аспаргилиус, паразитлар, отадектоз, демодекоз, саркоптоз; бошқа сабаблар: бегона жисмлар, нотўғри даволаш, ўрта қулоқнинг яллиғланиши, юқори даражали сезувчанлик.

Юқорида келтирилган инфекциялар ташқи қулоқ муҳитига мос бўлиши мумкин, агар организмда бирор бир заифлик пайдо бўлса, улар активлигини оширади ва яллиғланиш жараёнини кучайтиради.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган йирингли отитларнинг келиб чиқиши, ривожланиши,

даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда итшунослик халқ хўжалигининг турли соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги, хизмат, декоратив, спорт ва махсус итшуносликнинг ривожланишига талаблар янада ошди, чунки бу ҳайвонлар одамларнинг энг яқин ёрдамчиларига айланиб қолган.

Итлардан фойдаланишнинг барча шакллари ва уларнинг одамнинг маънавий дунёсини бойитишдаги ролини ҳисоблаб ўтиш қийин. Итлар халқ хўжалиги объектларини ва шу жумладан чегарани кўриқлашда иштирок этадилар. Хизмат итлари эса Ички ишлар ходимларига жуда катта ёрдам берадилар.

Г.С. Кузнецов (1980), К.И. Шакалов (1981)ларнинг маълумотларига кўра ички юқумсиз касалликлар 80-94 % ни ташкил қилади, улардан 5-7 % бош областидаги касалликларга тўғри келади.

Итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи – кулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади, яъни узоқ вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Кулоқ касалликларидан отитлар кўп ҳолларда консерватив усул билан даволанади, лекин йирингли отитларда экссудатнинг чиқиши қийинлашганлиги учун кўп ҳолларда жараён ички кулоққа ўтиб, ҳайвонни анча қийин аҳволга солиб қўяди.

Бизлар тажрибалар ўтказиш даврида 2012-2013 йиллар давомида отит касаллиги бўйича статистик маълумотларни йиғиш мақсадида “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармокологияси” кафедраси клиникаси, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги касал ҳайвонларни қайд этиш журналларини кўриб чиқдик ва қуйидаги маълумотни йиғдик.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти хирургия клиникасида 2012 йил 180 та қабул қилинган итлардан 23 тасида ҳар турдаги отит касаллиги аниқланган, бу 13,7 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 195 та қабул қилинган итлардан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 13,8 % ни ташкил қилади. Хирургик клиникада 2 йил давомида 375 та ит қабул қилинган, шулардан 50 таси отит билан касалланган, бу ўртача 13,3 % ни ташкил қилди.

Шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларидан маълумотлар олинганда бизлар қуйидаги хулосага келдикки, 2012 йилда жами 150 та ит қабул қилинган, шулардан 21 тасида отит аниқланган, бу 14 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 178 та қабул қилинган итлар орасида 30 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 17 % ни ташкил қилади. Жами 2 йил

давомида Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларида 328 та ит қабул қилинган, шулардан 51 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 15,5 % ни ташкил қилди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидан қуйидаги маълумотлар йиғилди: 2012 йилда 78 та итдан 12 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16 % ни ташкил қилади. 2013 йилда 82 та итдан 15 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 18,2 % ни ташкил қилади. Жами 2 йил давомида питомникда бўлган 160 та итдан 27 тасида отит касаллиги аниқланган, бу 16,8 % ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳрида итлар орасида отит касаллиги нисбатан кенг тарқалган бўлиб, 13,3-16,8 % ни ташкил қилди.

Ўтказилган натижалар асосида отит касалликлари хизматчи ит зотлари орасида асосан кўпроқ спанель ва Ротвейлер ўртасида кўпроқ учраши қайд этилди. Қайд қилинган отит касаллиги барча ёшдаги итларда учраши аниқланди .

Отитлар итлар орасида кенг тарқалган касаллик бўлиб ҳисобланади ва у ҳайвонларга безовталиқ ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Отитларни даволашни тўғри олиб бориш учун уни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Отитларни келтириб чиқарувчи яна бир сабаб бу паразитлар бўлиб, улар ташқи муҳитдан кириб бориб, қулоқ ичидан ажралиб чиқадиган суюқликда яхши ривожланади ва отодектоз касаллигини чақиради.

Паразитлар таъсири натижасида қулоқнинг эшитиш йўлларида яллиғланиш жараёни ривожланади ва бунинг натижасида қизғиш суюқлик тўпланади. Ҳайвон безовталанади, кучли қичиш пайдо бўлади.

Отитларни келтириб чиқарувчи сабабларга яна қуйидагилар киради: қулоқ йўлларига бегона жисмларнинг кириб қолиши, Ўзбекистон шароитида бу ўсимлик қилтиқлари, айниқса шалпанқулоқ итларда баҳор ва куз пайтларида кўп учрайди. Уларнинг кириб бориши натижасида қулоқнинг эшитиш каналида кучли яллиғланиш ривожланади, ҳайвон жуда безовта бўлади.

Айрим ҳолларда итларда отитлар аллергия реакциясидан ҳам келиб чиқади. Итларда аллергия нотўғри озиқлантиришдан, нотўғри даволанишдан келиб чиқади. Бунинг натижасида отитлар ривожланади ва ҳайвонлар кучли азият чекадилар. Аллергияларга ширинлик, ҳаддан ташқари кўп гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш, дори воситалари ва уларни нотўғри қўллашдан келиб чиқади.

Бундан ташқари отитларни келтириб чиқарувчи факторларга итлар кулоғининг анатомик тузилиши, эшитиш каналида олтингугуртнинг тўпланиб қолиши, атрезия, стеноз, ўсмалар ва эндокрин касалликлар бўлиши мумкин.

Олиб борилган текширишлар натижасида бизлар итларда отитлар сабаби кулоғининг анатомик тузилиши ва кулоқда олтингугуртнинг тўпланиб қолиши деб ҳисобладик.

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жаррохлик ва фармокология кафедрасида, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидагида ўтказилди. Материал сифатида клиникага 2012-2014 йиллар давомида олиб келинган йирингли отит билан касалланган итлар бўлиб ҳисобланган, жами 10 бош итдан фойдаланилди. Отит билан касалланган итлар даволаш схемасига қараб икки гуруҳга бўлинади: тажриба ва назорат гуруҳларига, ҳар бирида 5 бошдан.

Биринчи тажриба гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин кулоқ атрофига, кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характерини аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12 соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи кулоқ 3 % ли водород пероксиди билан ювилиб, дока вишневский-левамикол (50:50) линиментига ботирилиб, кунига 1 марта тампон кулоқ ичига қўйилди.

Иккинчи назорат гуруҳи итларига оператив усул қўлланилган кейин кулоқ атрофига канамицин-новокаин қамали 15 мг/кг миқдорда ҳар 12 соатда инъекция қилинди, сўнгра ташқи кулоқ 3 % ли водород пероксиди билан ювилиб, дока синтомицин линиментига ботирилиб, кунига 1 марта тампон кулоқ ичига қўйилди.

Диагнозни асослаш ва кулоқдаги йирингли жараёнларнинг характерини ўрганиш мақсадида итларнинг йирингли отит билан шикастланган кулоқларидан олинган суюқликда лаборатор текширишлар ўтказилди.

Ташқи кўринишга кўра йирингли отитда кулоқларидан олинган суюқлик сариқ - кукиш, сарғиш - кўкимтир ва кўкиш сариқ рангда эканлиги аниқланди.

Бактериологик текшириш мақсадида кулоқларидан олинган материаллар гўшт пептон - агар муҳитида экиб кўрилганда кулоқларидан олинган суюқликда асосан стафилококлар, стрептококклар ва кўк йиринг

таёқчаларининг ўсиши кузатилди.

Қулоқларидан олинган суюқликда, бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан бир қаторда уларнинг антибиотикларга нисбатан сезгирлиги ҳам аниқланди.

Микрофлораларнинг антибиотикларга сезувчанлиги антибиотиклар шимдирилган қоғоз дисклар ёрдамида аниқланди. Бунинг учун филтр қоғоздан диаметри 6 мм дисклар тайёрланиб уларга антибиотиклар шимдирилди. Экиш учун бир кунлик экмадан бир мл (1 млн/миллиард дона) олиниб, чайқатиш билан Петри косачасига бир хил текисликда ёйилди. Кейин косача қийшайтирилиб, пепетка ёрдамида ортиқча суюқлик олиб ташланди. Стерил пенцит ёрдамида экманинг ҳар жойига турли антибиотиклар шимдирилган дисклар ўрнатилиб, термостатда 35-37°C ҳароратда 18 соат давомида ўстирилди. Антибиотикли дисклар атрофидаги ўсиш кузатилмаган жойнинг катталиги ўлчанди. Микроорганизмлар ўсмаган зона бицилин - 3 антибиотики атрофида 19-20 мм, бициллин -5 мм антибиотикида 21-22 мм, канамицинда -22-24 мм, гентамицинда -21-22 мм, пенцилинда -19-20 мм, тетрациклинда -17-18 мм, стрептомицинда эса 15-17 мм.ни ташкил этди. Атрофида микроорганизмлар ўсмаган жой 20 мм дан кичик бўлган антибиотикларга микрофларалар “кам сезувчан”, ва 20 мм дан катта бўлса “юқори сезувчан” бўлади. Тажрибаларнинг натижаларига асосланиб микроорганизмларнинг сезувчанлиги энг юқори бўлган антибиотик деб канамицинни кўрсатиш мумкин.

Шикастланган қулоқлардан олинган суюқликларни текшириш натижалари шуни кўрсатадики қулоқларидан олинган суюқликда асосан кўпроқ стафилококklar, стрептококklar ва кўк йиринг таёқчалари учраб, уларнинг энг юқори сезувчанлиги канамицин антибиотигига эканлиги аниқланди.

Тажрибагача тажрибадаги I ва II гуруҳ итлари клиник кўрикдан ўтказилганда қулоқ атрофи суюқлик аралаш йиринг билан қопланган. Қулоқдан йиринг оқиб турганлиги, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. . Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Қулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтирсарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди.

Тажрибадаги I ва II гуруҳ ҳайвонлари клиник кўрикдан ўтказилгандан кейин, уларга белгиланган даволаш муолажалари ўтказилди. Даволаш

муолажалари қўлланилганидан кейин, ҳайвонлар яна қайта клиник кўрикдан ўтказилди. Бунда I ва II гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 3 - кунигача кулоқнинг клинικο – морфологик ўзгаришлари деярли бир хил бўлганлиги қайд қилиниб, йирингли отит билан жароҳатланган кулоқ соҳаси шишган, огрикли флюктуация беради. Итлар кулоқларнинг жароҳатланган жойини авайлаб турибди. Итларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг  $1-1,5^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, шикастланган кулоқларнинг қарама-қарши оёқ кулоқларга нисбатан таққосланганда катталашганлиги, тери эластиклигининг йўқолиши қайд этилди, кулоқлари катталашган ва қалинлашган. Кулоқларнинг қийинлик билан пайпасланади. Эластиклиги пасайган. Кулоқларнинг ҳаракат қилинганда уларнинг ҳаракати чегараланган ва ит кучли огрик сезди. Айрим итларда флегмона очилиб, унинг ичидан суюқ яшил кулранг йиринг оқаётганлиги ва атрофида яллигланишга хос хусусиятли шишлар пайдо бўлганлиги кузатилди, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки огриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпаслаганда огрик сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори, суюқликнинг ҳаракати эшитилиб туради. Кулоқ ичидаги териси қизарган ва у қорамтир-сарғич рангда, ҳидли экссудат билан тўлган бўлади. Экссудатнинг таъсирида тери мацерацияга учраган. Айрим итларда тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий ҳолати сусайгани, иштаҳанинг пасайиши кузатилди.

Тажриба давомида биринчи гуруҳ ҳайвонлари кулоғидан даволашнинг 3-кунида йиринг оқиши давом этаяпти, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки огриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпаслаганда огрик сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори. Кулоқ ичида йиринг камайган. Тажрибанинг 5-куни кулоқ ичида йиринг қолмаган, кулоқ атрофида огрик, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган, итларнинг умумий ҳолати ва иштаҳанинг яхшиланганлиги кузатилди, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада. Тажрибанинг 7-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итларнинг умумий ҳолати қониқарли, уларни ҳеч нарса безовта қилмайди. Йирингли экссудатнинг чиқиши тўхтаган. Итларда йирингли отитга хос бўлган белгилар сезилмайди. Бу эса итларни тўлиғича соғайиб кетганлигини кўрсатади.

Даволаш давомида иккинчи гуруҳ ҳайвонлари кулоғидан даволашнинг 3-кунида йиринг оқиши, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки огриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпасланганда огрик сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори кулоқ ичида йиринг озроқ камайган. Тажрибанинг 5-куни кулоқ ичида йиринг оқиши давом этаяпти, итнинг безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки огриган

томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпаслаганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори кулоқ ичида йиринг камайган. Тажрибанинг 7-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итлар кулоғида йиринг қолмаган, кулоқ атрофида оғриқ, шиш ва маҳаллий ҳарорат сезиларли даражада пасайган, итларнинг умумий ҳолати ва иштаҳанинг яхшиланганлиги кузатилди, итларнинг тана ҳарорати, нафас олиши, пульси нормада.

Тажрибанинг 10-кунига бориб тажриба гуруҳидаги итларнинг умумий ҳолати қониқарли, уларни ҳеч нарса безовта қилмайди. Йирингли экссудатнинг чиқиши тўхтаган. Итларда йирингли отитга хос бўлган белгилар кузатилмади.

Кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликга эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўллаш орқали синтомицин линиментига нисбатан фаоллиги тажрибаларда исботланди.

Йирингли отитларни даволашда, канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўллаш даволаш муддати 3 кунга қисқариши аниқланди.

Тажрибаларнинг бошида ва тажрибаларнинг 3-7-10 ва 15-кунларида ҳайвонлардан қон олиниб, морфологик кўрсаткичлари бўйича текширилиб борилди. Даволашнинг бошида иккала гуруҳ йирингли отит билан касалланган ҳайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичларида айтарли фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усулда даволанаётган назорат гуруҳидаги итлар қонидаги гемоглобиннинг концентрацияси ва эритроцитлар сони даволаш давомида айтарли ўзгармади, яъни эритроцитлар сони тажрибанинг 3 чи кунида 12% га, гемоглобин концентрацияси эса 17 % га камайганлиги қайд қилинди. Лейкоцитлар сони даволашнинг 3-кунига 11 % га кўпайиб, лимфоцитлар сони эса атиги 9 % га камайганлиги кузатилди. Даволашнинг 7 чи кунига келиб эритроцитлар 0,4 % га, лейкоцитлар сони 33 % га кўпайганлиги ва гемоглобин миқдори эса 3 % га, лимфоцитлар эса 22 % га камайганлиги намоён бўлди. Тажрибанинг 10-кунига келиб эса эритроцитлар сонининг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3 % га, лейкоцитлар сони 17 % га, гемоглобин концентрацияси 6 % га кўпайган бўлса, лимфоцитлар фоизи эса 1% га кўпайганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги ҳайвонларда йирингли яллиғланиш жараёнининг кучайиб боришидан далолат беради.

Даволашнинг 15-кунига келиб эса бу гуруҳдаги ҳайвонлар қонида қоннинг морфологик кўрсаткичларининг озроқ камайганлиги кузатилиб, бунда эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2 % га,

гемоглобин концентрацияси 5 % га камайганлиги, лейкоцитлар сони 8 % га, лимфоцитлар фоизи эса 5 % га кўпайганлиги кузатилди. (-жадвал).

Кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар қонининг морфологик кўрсаткичлари дастлабки кўрсаткичларга нисбатан даволашнинг 3-кунида эритроцитлар сонининг ўртача 12 % га, даволашнинг 7-чи кунида 25 % га, 10-чи кунида 7 % га ошганлиги ва 15-чи кунига келиб эса 2 % камайганлиги қайд этилган бўлса, гемоглобин концентрацияси даволашнинг 3-кунида 6 % га, 7-кунида 13 % га кўпайган бўлса, 10-кунида 10 % га ва 15-кунида 5 % га камайганлиги аниқланди. Бу гуруҳда даволанаётган ҳайвонларда лимфоцитлар фоизининг физиологик меъёр чегарасида кўпайиши қайд этилиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан лимфоцитлар фоизи эса 7-кунда 16 % га, 10-кунида 49 % га, 15-кунида 62 % га кўпайганлиги аниқланди, лейкоцитлар сони даволашнинг 3-кунида 13 % га, 15-кунида эса 7 % га камайганлиги қайд этилди.

Юқоридан олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, йирингли отит билан касалланган итларда яъни кулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги итларда яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 10 кун давом этган бўлса, анъанавий усулларга қўшимча вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳида эса 7 кунни ташкил этди.

Олинган маълумотлардан маълум бўладики, турли хил усулда даволанган ҳайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг турлича бўлиши яъни анъанавий усулларга қўшимча равишда вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 15-чи кунига келиб 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га, лейкоцитлар сонининг 7 % га камайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 62 % га кўпайганлиги аниқланди.

### **III. боб бўйича хулоса**

Итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи – кулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади, яъни узоқ вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб

ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Кулоқ касалликларидан отитлар кўп ҳолларда консерватив усул билан даволанади, лекин йирингли отитларда экссудатнинг чиқиши қийинлашганлиги учун кўп ҳолларда жараён ички кулоққа ўтиб, ҳайвонни анча қийин аҳволга солиб қўяди.

Бизлар тажрибалар ўтказиш даврида 2012-2013 йиллар давомида отит касаллиги бўйича статистик маълумотларни йиғиш мақсадида “Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармокологияси” кафедраси клиникаси, шаҳар ветеринария бўлими, Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги касал ҳайвонларни қайд этиш журналларини кўриб чиқдик ва қуйидаги маълумотни йиғдик .

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти хирургия клиникасида 2012 йил 23 бош итда (13,7 %) ни , 2013 йилда 27 бош итда (13,8 %) , хирургик клиникада 2 йил давомида ўртача 50 бош ит отит билан касалланган ит аниқланди, бу ўртача 13,3 % ни ташкил қилди.

Шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларидан маълумотлар олинганда 2012 йилда 21 бош ит (14 %) ни, 2013 йилда 30 бош итда отит касаллиги аниқланган, бу 17 % ни ташкил қилади. Жами 2 йил давомида Самарқанд шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларида 51 бош ит отит касаллиги аниқланган, бу 15,5 % ни ташкил қилди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидан қуйидаги маълумотлар йиғилди: 2012 йилда 12 бош ит (16 %) , 2013 йилда 15 бош ит (18,2 %) ни ташкил қилади. Жами 2 йил давомида 27 бош ит отит касаллиги аниқланган, бу 16,8 % ни ташкил қилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Самарқанд шаҳрида итлар орасида отит касаллиги нисбатан кенг тарқалган бўлиб, 13,3-16,8 % ни ташкил қилди.

Даволашга оид илмий тадқиқот ишлари клиникага 2012-2014 йиллар давомида олиб келинган йирингли отит билан касалланган итлар бўлиб ҳисобланган, жами 10 бош итдан фойдаланилди. Отит билан касалланган итлар даволаш схемасига қараб икки гуруҳга бўлинди: тажриба ва назорат гуруҳларига, ҳар бирида 5 бошдан.

Йирингли отит билан касалланган итлар безовта бўлиши, бошини чайқаб туриши ёки оғриган томонга осилтириб туриши қайд қилинди. Пайпасланганда оғриқ сезилади, маҳаллий ҳарорат юқори кулоқ ичида йиринг бор.

Йирингли отит билан касалланган итларда яъни кулок жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган биринчи тажриба гуруҳидаги итларда яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 10 кун давом этган бўлса, анъанавий усулларга қўшимча вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳида эса 7 кунни ташкил этди.

Асосий ижобий ўзгаришлар турли хил усулда даволанган ҳайвонларда қоннинг морфологик кўрсаткичларининг турлича бўлиши яъни анъанавий усулларга қўшимча равишда вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди. Бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 15 чи кунига келиб 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га, лейкоцитлар сонининг 7 % га камайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 62 % га кўпайганлиги аниқланди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти хирургия клиникасида 2012 йил 23 бош итда (13,7 %) ни , 2013 йилда 27 бош итда (13,8 %) , хирургик клиникада 2 йил давомида ўртача 50 бош ит (13,3 %) ни , шаҳар ветеринария бўлими ва ветеринария участкаларидан маълумотлар олинганда 2012 йилда 21 бош ит (14 %) ни, 2013 йилда 30 бош итда (17 %) ни , 2 йил давомида ўртача 51 бош ит (15,5 %) ни , Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда 12 бош ит (16 %) , 2013 йилда 15 бош ит (18,2 %) ни , 2 йил давомида 27 бош ит (16,8 %) отит касаллиги билан касалланганлиги аниқланди.

2. Итларда йирингли отитларни келиб чиқишида турли хил механик таъсиротлар ва ҳашаротлар оқибатида келиб чиқишини инобатга олиб, йирингли отитларни олдини олишда улар сақланадиган кабиналарда турли хилдаги механик жароҳатларни келтириб чиқарувчи ўткир жисмларни бартараф қилиш, йирингли отит билан касалланган итларда организм резистентлигини ошириш мақсадида, улар рационда гўшт ва сут маҳсулотлари 40 %, крупа, нон 50 %, картошка ва сабзавот 10 % дан кам

бўлмаслиги сабзи ва карам балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г гача берилиши лозим.

3. Йирингли отит билан касалланган итларда яъни қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган итларда яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 10 кун давом этган бўлса, анъанавий усулларга қўшимча вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳида эса 7 кунни ташкил этди.

4. Асосий ижобий ўзгаришлар анъанавий усулларга қўшимча равишда вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилган тажриба гуруҳидаги итларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари намоён бўлиб, бунда эритроцитлар сонининг даволашнинг 15 чи кунига келиб 2 % га, гемоглобин концентрацияси 5 % га, лейкоцитлар сонининг 7 % га камайганлиги, лимфоцитлар фоизи эса 62 % га кўпайганлиги аниқланди.

5. Ўтказилган тажрибалар асосида отит касалликлари хизматчи ит зотлари орасида асосан кўпроқ спанель ва Ротвейлер ўртасида кўпроқ учраши ва отит касаллиги барча ёшдаги итларда учраши аниқланди .

### **Амалий тавсиялар**

1. Итларда йирингли отитларни келиб чиқишида турли хил механик таъсиротлар ва ҳашаротлар оқибатида келиб чиқишини инобатга олиб, йирингли отитларни олдини олишда улар сақланадиган жойларда қулоқда турли механик жароҳатларни келтириб чиқарувчи ўткир жисмларни бартараф қилиш, жароҳат ҳосил бўлгандан кейин биринчи навбатда жароҳатга бирламчи ишлов бериш орқали йирингли отитлар келиб чиқиши олдини олиш чора-тадбирларини бажариш тавсия этилади.

2. Итларда йирингли отитларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча, қулоқ жароҳатларидан олинган экссудатни бактериологик текширишда микрофлора характери аниқлаш билан юқори сезувчанликка эга бўлган канамицин ва вишневский-левамикол (50:50) линименти қўлланилганда патологик ўчоқда регенерация жараёнларини кучайтириб, даволаш муддатини 3 кунга қисқаришини инобатга олиб, ҳар куни 1 марта қўллаш тавсия этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Тошкент 1995 йил.
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш йўлида” “Ўзбекистон” – 1998 йил.
3. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш дастури” 1999-2000 йил “Ўзбекистон” – 1998 йил.
4. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида”. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти 1998 йил.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда” Тошкент – 1999 йил.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” “Ўзбекистон” нашриёти – 1999 йил.
7. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил
8. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи” биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10 сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 25 декабр. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998 йил.
9. Каримов И.А. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”. Тошкент “Шарқ”, 1998 йил.
10. Каримов И.А. “ХХІ аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997 йил.
11. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларилари чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 март 308-қарори.
12. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, Ўзбекистон, 2009 й.
13. Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. «Ветеринария ишлари ташкил қилиш ва иқтисодиёт». Самарқанд, 1997.
14. Бергер М.О. Справочник по микробиологическим и вирусологическим методам исследования. М. 1979.
15. Бурбелло А.Т., Шабров А.В., Денисенко П.П. Современные лекарственные средства. Санкт-Петербург. 2006.
16. Гусаров О.А., Феактистов Л.П., Шурхно Е.С. Энциклопедический справочник современные лекарственные средства. М. 2005.
17. Донник И.М. Отит его распространения диагностика и лечение. Журнал Ветеринария. 2006.
18. Калашник И.А. Частная ветеринарная хирургия. Л. 1986.
19. Караулов А.В. Показатели общего и местного иммунитета при отитах. Вестник оториноларингологии № 7. 2003.

20. Кондрахин И.П., Курилов Н.В., Малахов А.Г. Клиническая лабораторная диагностика в ветеринарии. М. 1985.
21. Копенкин Е.П. Опкт лечения наружного отита у собак с использованием глазнкх капель. Трудк МВА 1988.
22. Кузнецов Т.С. Хирургические болезни животных в хозяйствах промышленного типа. Ленинград. 1980.
23. Лопатина М.Ю. Распространение гнойного отита среди служебных собак в питомниках. Материалы конференции Уральской государственной с/х академии. 2004.
24. Лопатина М.Ю., Донник. Иммунологические показатели у собак с хроническим гнойным отитом. Материалы XII международного Московского конгресса по болезням мелких животнкх. 2004.
25. Маркова А.В. Полная энциклопедия народной медицины. М. 2007.
26. Машковский М.Д. Лекарственные средства. М. 1988.
27. Морева М.В. Опыт лечения гнойного отита у свиней. Журнал Ветеринария. № 6. 1978.
28. Нарзиев Д.Х. Хайвонлар анатомияси. Тошкент. 1986.
29. Рустамов Х.К., Окбутаев Я., Нарзиев Б.Д. Оперативная хирургия. Самарканд. 2007.
30. Салямова В.Х. Отит у собак. Домашний ветеринарный справочник для владельцев собак. М. 2008.
31. Смирнов А.М. и др. Клиническая диагностика внутренних незаразных болезней животных. М. 1988.
32. Сунагатулин Ф.А., Ветровая Р.В. Острые отиты у детей и их осложнения. Л. 1999.
33. Тарасов В.Р. Болезни собак. М. 1978.
34. Хасанова Р.А. Декоративное собаководство. Тошкент. 1990.
35. Шайхова Х.Э., Хакимов А.М., Хорошаев В.А. Морфология регионарных лимфатических узлов при лимфотропной терапии острого сдернего отита. Вестник отоларингологии № 2, 1999.
36. Шакалов К.И. Профилактика травматизма в промышленных комплексах. Ленинград. 1981.
58. Л.С. Богославская и др. О собаке. М.: 1992.
59. Ф.Зиёдинов ва бошқалар. Кинология асослари.Т.:2003.
60. Р.А.Хасанов. Декоративное собаководство.Т.:1990.
61. Хохрин С.Н. “Кормление собак” Санкт-Петербург.2001.
- 62.23.Нарзиев Б.Д. «Итларнинг умумий ва махсус дрессировкаси» Самарқанд 2011й.

## **7. Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Тошкент 1995 йил.
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш йўлида” “Ўзбекистон” – 1998 йил.
3. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш дастури” 1999-2000 йил “Ўзбекистон” – 1998 йил.
4. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида”. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти 1998 йил.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда” Тошкент – 1999 йил.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” “Ўзбекистон” нашриёти – 1999 йил.
7. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил
8. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи” биринчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10 сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 25 декабр. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998 йил.
9. Каримов И.А. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”. Тошкент “Шарқ”, 1998 йил.
10. Каримов И.А. “ХХІ аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997 йил.
11. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларилари чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 март 308-қарори.
12. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, Ўзбекистон, 2009 й.
13. Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. «Ветеринария ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёт». Самарқанд, 1997.
14. Бергер М.О. Справочник по микробиологическим и вирусологическим методам исследования. М. 1979.
15. Бурбелло А.Т., Шабров А.В., Денисенко П.П. Современные лекарственные средства. Санкт-Петербург. 2006.
16. Гусаров О.А., Феактистов Л.П., Шурхно Е.С. Энциклопедический справочник современные лекарственные средства. М. 2005.
17. Донник И.М. Отит его распространения диагностика и лечение. Журнал Ветеринария. 2006.
18. Калашник И.А. Частная ветеринарная хирургия. Л. 1986.
19. Караулов А.В. Показатели общего и местного иммунитета при отитах. Вестник оториноларингологии № 7. 2003.

20. Кондрахин И.П., Курилов Н.В., Малахов А.Г. Клиническая лабораторная диагностика в ветеринарии. М. 1985.
21. Копенкин Е.П. Опкт лечения наружного отита у собак с использованием глазнкх капель. Трудк МВА 1988.
22. Кузнецов Т.С. Хирургические болезни животных в хозяйствах промышленного типа. Ленинград. 1980.
23. Лопатина М.Ю. Распространение гнойного отита среди служебных собак в питомниках. Материалы конференции Уральской государственной с/х академии. 2004.
24. Лопатина М.Ю., Донник. Иммунологические показатели у собак с хроническим гнойным отитом. Материалы XII международного Московского конгресса по болезням мелких животнкх. 2004.
25. Маркова А.В. Полная энциклопедия народной медицины. М. 2007.
26. Машковский М.Д. Лекарственные средства. М. 1988.
27. Морева М.В. Опыт лечения гнойного отита у свиней. Журнал Ветеринария. № 6. 1978.
28. Нарзиев Д.Х. Хайвонлар анатомияси. Тошкент. 1986.
29. Рустамов Х.К., Окбутаев Я., Нарзиев Б.Д. Оперативная хирургия. Самарканд. 1997.
30. Салямова В.Х. Отит у собак. Домашний ветеринарный справочник для владельцев собак. М. 2008.
31. Смирнов А.М. и др. Клиническая диагностика внутренних незаразных болезней животных. М. 1988.
32. Сунагатулин Ф.А., Ветровая Р.В. Острые отиты у детей и их осложнения. Л. 1999.
33. Тарасов В.Р. Болезни собак. М. 1978.
34. Хасанова Р.А. Декоративное собаководство. Тошкент. 1990.
35. Шайхова Х.Э., Хакимов А.М., Хорошаев В.А. Морфология регионарных лимфатических узлов при лимфотропной терапии острого сдернего отита. Вестник отоларингологии № 2, 1999.
36. Шакалов К.И. Профилактика травматизма в промышленных комплексах. Ленинград. 1981.

21. [Егорова, В.Н.](#) Возможность использования медицинскою препарата ронколейкин при нммунозамес1иельной терапии в [ветеринарной](#) практике / В.Н.Егорова, Е.Д.Сахарова // [Ветеринарнаяиракжка](#). -2000.-№ 1(8). -С. 19-21

26. Ермаков, А.М. Проблемы и перспективы диагностики и лечения с1а-филококкоза собак // Амуальные проблемы ветеринарной медицины мелких

домашних животных на Северном Кавказе / А.М.Ермаков // Тез. докл. к 1-ой персиановский, 1998. С. 17-20.

27. Ермаков, А.М. Стафилококкоз собак в Ростовской области: Дис. канд. вет. наук./ Ермаков А.М.// ГТерсиановский, 1999. 136 с.

36. Казаков, Д.Н. Питириспороз собак // Актуальные проблемы ветеринарной медицины мелких домашних животных на Северном Кавказе / Д.Н.Казаков, В.Н.Великанов, С.Н.Карташов //Тез. докл. к 1-ой перс. конф. Персиановский, 1999.-С. 17-18.

39. Калинин, П.А. Стафилококкоз собак //Актуальные проблемы биологии, ветеринарной медицины мелких домашних и декоративных животных/ Н.А. Калинин //Сб. науч. тр. УТИВМ. Троицк, 1997. -С. 1617.

40. Калинин, Н.М. Иммунопрофилактика инфекционных болезней животных /Н.М. Калинин, А.А. Алиев, И.И. Бацапов //Ветеринарная практика. -1998. - № 5 С. 17-18.

44. Карпенко, Л.Ю. Иммунобиологические характеристики организма собак разных возрастов. / Л.Ю. Карпенко // СПб., 1999. -55с.

60. Кондрахин, И.П. Применение цитомединов при бронхопневмонии телят / И.П.Кондрахин, В.В.Мельник, М.П.Лизогуб // Ветеринария.2000. № 2.- С. 39-40.

62. Корячкин, В.А. Клинические, функциональные и лабораторные исследования в анестезиологии и интенсивной терапии / В.А.Корячкин, Б.И.Страшнов, В.Н.Чуфаров //СПб.: Санкт-Петербургское медицинское издательство,2001.- 144 с.

64. Красилов, А.Г. Изучение некоторых стимуляторов при бруцеллезе// Диагностика и специфическая профилактика бруцеллеза и туберкулеза домашних животных. / А.П.Красилов, А.А.Новицкий // Новосибирск, 1998. - С. 33-38.

70. Курицина, Н.А. Повышение эффективности асимикробных средств // Новые фармакологические средства в ветеринарии / Н.А.Курицина // тез. докл. 10-й меж-гос. межвуз. науч.-практической конф.-СПб., 1998.-С. 117-118.

77. Лукьяновский, В.А. Лечим собаку./ В.А. Лукьяновский // М.: Нива России, 1998.- 223 с.

79. Макарадзе, Л.А. Влияние геграиммунофита на неспецифическую иммунную реакцию резистентность организма /Л.А.Макарадзе //Ветеринария. 1999.-№3.-С. 43-45.

85. Медведев, К.С. Болезни кожи собак и кошек./ К.С.Медведев // Киев: Вима, 1999.- 150с.

95. Нигман, Х.Г. Практическое руководство для ветеринарных врачей (организация ветеринарных клиник, обследование, диагностика заболеваний, лечение) 8 изд. // Перев. с нем./Х.Г. Ншман, П.Ф. Су/ер // М.: Аквариум, 1998. 816 с.
111. Ракова, Т.Н. Гепатотропное действие иммуностимулирующих препаратов // Новые фармакологические средства в ветеринарии / Т.Н.Ракова // Материалы 10-й межюс. межвуз. науч.-практической конф. -СПб., 1998.-С. 86-87.
114. Сидоров, И.В. Эффективные средства лечения отита собак /И.В. Сидоров, А.А. Харкевич, А.А. Шабейкин, В.И. Бычков //Материалы 8-ю междунар. кош. по проблемам ветеринарной медицины мелких домашних животных.- М.: Россия. 2000. - С. 82-83.
128. Старченков, С.В. Болезни мелких животных: диагностика, лечение, профилактика. / С.В.Старченков //СПб.: Лань, 1999. 512 с.
132. Суховольский, О.К. Новый иммуномодулятор в России Ронко-лейкин //Новые фармакологические средства в ветеринарии /О.К. Суховольский //Материалы 10-й межюс. межвуз. науч.-практической конф.-СПб., 1998.- С.91-92.
137. Чеботкевич, В.Н. Методы оценки состояния иммунной системы и факторов неспецифической резистентности в ветеринарии /В.Н. Чеботкевич, С.И. Люгинский //СПб., 1998.-30с.
139. Шабунин, С.В. Антимикробное действие фармакологических композиций / С.В.Шабунин // Ветеринария. 1999. - № 9. - С. 47-50.
169. Day, M. Mechanisms of immune-mediated disease in small animals / Day M. // In Practice, 1998. Vol. 20. - N 2. - P. 75-86
170. David, II. Lloyd. Optimization of a condition of a skin and wool at dogs /11. Lloyd David // Waltham Focus, 1999. Vol. 9. - N 3. - p. 2-8..
191. Koutinas, A.F. Otitis externa in the dog and cat /A.F Koutinas, M.N. Saridominelakis // Vet. Med. Soc., 1998. Vol. 49. - Xs 4. - P. 251 -262.
205. Marolleau, J. High-dose recombinant interleukin-2 in advanced cutaneous T-cell lymphomas / J. Marolleau, M. Baccard, P. Flageul //Arch. Derm.— 1995.— Vol. 131.— P. 574—579.
210. McKee, P.H. Pathology of the Skin (with clinical correlation) /P.M. McKee //.— London-Wesbaden: Mosby-Wolfe, 1996.- 1714 p.
27. Snijdewint, F.Y.M. Corticosteroids class dependency inhibit in vitro Th1- and Th2-type cytokine production /F.Y.M. Snijdewint, M.L. Kapsen-berg, P.J.J. Wauben-Penris, J.D. Bos// Immunopharmacol.— 1995.—Vol. 29.— P. 91-101.

228. Somer, Г. Vasculitides associated with infection, immunisation and antimicrobial drugs / T. Somer, S.M. Finegold //Clin, infect. Dis.- 1995.-Vol.20.- P. 1010-1036.
231. C.H. Griffin// Animal Dermatology, 5th Edition. W.B. Saunders, Philadelphia, 1995.
236. Tischenko, L. Vitamin A deficit among african children with some dermatosis / L. Tischenko, S. Haddad, Ch. Chalamila et al. //Int. Islamic Med. J.— 1996.— Vol. 1.— P. 9—11.

<http://webmvc.com/bolezni/catdog4/vospuha.php>

<http://forum.allvet.ru/viewtopic.php?t=905#p2038>

<http://do9s.ru/page/otit-u-sobak-prichiny-i-lechenie>

<http://zooclub.ru/dogs/vet/217.shtml>

[http://www.zooproblem.net/vet\\_konsultaziy/nezaraznie\\_bol/untitled3.php](http://www.zooproblem.net/vet_konsultaziy/nezaraznie_bol/untitled3.php)

**Илова.**